БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ҚИЗИЛ ЎЗБЕКИСТОН

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ВА МИНИСТРЛАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

«КИЗИЛ УЗБЕКИСТАН» — ОРГАН ЦЕНТРАЛЬНОГО КОМИТЕТА КОМПАРТИИ УЗБЕКИСТАНА, ВЕРХОВНОГО СОВЕТА И СОВЕТА МИНИСТРОВ УЗБЕКСКОЙ ССР.

43-йил чиқиши № 197 (11.946) | Чоршанба, 23 август 1961 йил. | Баҳоси 2 тийин.

БУГУН ЁШ МЕХАНИЗАТОРЛАРНИНГ РЕСПУБЛИКАЛАРАРО СЛЁТИ ОЧИЛАДИ

СЛЁТ ҚАТНАШЧИЛАРИГА АЛАНГАЛИ САЛОМ!

Бугун Тошкентда Ўрта Осиё, Қозоғистон ва Закавказье республикаларидаги ёш механик-ҳайдовчиларнинг слёти очилади.

Неча ёш механизаторлар Ўрта Осиё машина-синаш станциясида бўлдилар. Ўрта Осиё машина-синаш станцияси бригадири Ўзбекистон ССР да хизмат кўрсатган механизатор, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Валентин Тюпко ҳузурида бўлиб, унинг пахтазорларини, далада ишлаётган механизмларни кўздан кечирдилар. Валентин Тюпко слёт қатнашчиларига терим машинасининг тузилишини ва унинг бетўхтов самарали ишлаши учун нима қилиш кераклигини муфассал сўзлаб берди. Ёш механик-ҳайдовчилар пахтани машинада териш устасидан кўп нарсани ўрганиб қайтдилар.

СУРАТДА: ўртоқ В. ТЮПКО пахта териш машинасини ишлатишдаги тажрибаларини слёт қатнашчиларига сўзлаб бермоқда.

В. Сироткин фотоси.

МИРЗАЧЎЛ ЕРЛАРИНИ ТЕЗРОҚ ЎЗЛАШТИРАЙЛИК

В. И. Ленининг Мирзачўл ерларини ўзлаштириш тўғрисидаги Ҳукумат декретига кўл қўйганига 35 йил бўлди. Шу қисқа вақт ичида Мирзачўлда қақраб ётган ерларни ўзлаштириш сохасида жуда катта ишлар қилинди. 250 минг гектар ер қишлоқ хўжалик оборотига киритилди. Обод қишлоқлар, кўкламзор шаҳарлар бунёдга келди, йирик колхоз ва совхозлар ташкил этилди, каналлар қазилиб, чўлларга ҳаёт суви келтирилди.

Лекин Мирзачўл ерларини ўзлаштириш юзасидан ҳали кўп ишлар қилиниши керак. Бу ерда бир миллион икки юз минг гектар ер ўзлаштирилиб, экинзорга айлантирилиши, янги ўзлаштириладиган ерларда 32 та пахтакор, 2 та боғдорчилик совхози ташкил қилиниши зарур. Ишга солинган ерларда жуда кўп ҳашаматли бинолар қад кўтаради, шаҳарлар ва қишлоқлар кўкламзорлаштирилади ва тўла электрлаштирилади. Совет ҳукумати бунинг учун жуда катта маблағлар ажратмоқда, қурилиш материаллари тўхтовсиз келиб турибди.

Яқинда Ховосда Тошкент область қишлоқ хўжалик новаторлари билан илмий-техник ходимларнинг бўлиб ўтган кенгаши ана шу масалага бағишланди. Тошкент область партия комитети, область ижроия комитети ва республика Қишлоқ хўжалик министрлиги томонидан чақирилган бу кенгашда Мирзачўл ерларини ўзлаштириш суръатини янада тезлаштириш учун қандай тадбирларни амалга ошириш зарурлиги атрофлича муҳокама қилинди. «Узгипроводхоз» бош инженери Б. Михельсон, «Главголодностепстрой» бошлиғи А. Саркисов, СоюзНИХИ марказий мелиорация станциясининг директори Е. М. Сафаров ва бошқа ўртоқларнинг докладлари тингланди. Сирдарё районидаги Охунбобоев номли колхоз раиси Асад Убайдуллахўжаев, Комсомол районидаги «Красная Заря» колхозининг бригада бошлиғи А. Алимқулов, «Малик» колхозининг директори С. Б. Бочкарев ва бошқа ўртоқлар Мирзачўл ерларини ўзлаштириш соҳасидаги ўз тажрибалари ҳақида сўзлаб бердилар.

Кенгашда Ўзбекистон КП Марказий Комитетининг биринчи секретари ўртоқ Ш. Рашидов нутқ сўзлади. Кенгаш ишларида Ўзбекистон КП Марказий Комитетининг бюро аъзолари Г. А. Габриельянц ва М. Абдураззоқов ўртоқлар қатнашдилар.

Б. ХАЛИЛОВ.

«ЗАНГОРИ КЕМА» ИЖОДКОРЛАРИ

«Қишлоқ хўжалигини янада механизациялаш, комплекс механизацияни қўлланиш ва автоматика воситаларидан фойдаланиш, техника-иқтисодий кўрсаткичлари юқори бўлган ва ҳар бир зона шароитига мос келадиган машиналар системасини жорий қилиш қишлоқ хўжалик меҳнати унумдорлигини ошириш учун асос бўлади».

(Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Программаси проектидан).

Асфальтланган кенг майдончада кўк ва ҳаво рангли пахта териш машиналари тизилиб турибди. Бу машиналарга разм солиб қараган киши ўтган йили пахта далаларимизда жавлон урган «ХВС-1,2» агрегатларини эслайди, албатта. Ўша бункерлар, ўша шпинделлар. Аммо бу машиналар ҳали пахтакорларимизга ҳадя қилингани йўқ. Бунга ажабланмаса ҳам бўлади. Чунки бу янги машиналар ажойиб конструкторларимизнинг сўнгги таҳриридан ўтган. Ҳали улар оммавий тарзда ишлаб чиқарилмаяпти. Аммо келажак шу машиналарники. Пахта териш машиналари бўйича Давлат махсус конструкторлик бюросининг муттахассислари бу машиналарни тезроқ ишлаб чиқаришга жорий этиш устида ғайрат-шижоат билан ишлашяпти «Ташсельмаш» заводи конвейеридан бу янги машиналар тушабошлайдиган кун узоқ эмас. Ана ўшанда улар Ўзбекистон ва бошқа қардош республикаларнинг пахта далаларида меҳнаткашларнинг оғирини енгил қилиб, уларнинг жонига оро киради.

Ҳа, пахта териш машиналари йил сайин, ой сайин такомиллашиб боряпти. Пахтакорларимиз «СХМ-48» га қувонч ва ҳайрат билан боқишган эди. Кейинчалик эса пахта далаларимизда икки қаторли «СХС-1,2» машинаси пайдо бўлди. Конструктор ва олимларимиз эса терим машиналарини такомиллаштириш устида тинмай ишлайвердилар. «ХВС-1,2»! Бу, пахтакорларимизнинг меҳр-муҳаббатига сазовор бўлган, шон-шуҳратларга бурканган машина! Ҳозиргача «ХВС-1,2» энг сифатли, энг аъло пахта териш машинаси бўлиб қоляпти. Ҳа, Америка мутахассислари ҳам қойил қолишган бу машинага.

Бу агрегатлар йиғим-теримни бутунлай механизация елкасига юклаш мумкинлигини кўрсатди. Ахир ўтган йили эсланг! Ярим миллион тоннага яқин «оқ олтин»ни машинада тердик-а! Бундан ўн йил аввал бу ҳақда ҳаёл қилиш мумкин эди фақат.

Икки қаторли «ХВС-1,2» машинаси юзлаб теримчиларнинг ўрнини босди. «ХВС-1,2» деҳқоннинг дўсти, деҳқоннинг ҳамкори бўлиб қолди. Аммо техникада тараққиётга ва ижодий парвозга чек йўқ. Мана, ўтган йилги пахта мавсумида қишлоқ меҳнаткашларининг ҳурматига сазовор бўлган машиналар қаторида янги «1ХА» маркали пахта териш машинаси ҳам турибди. Аслини олганда, бу «ХВС-1,2» машинасидан унчалик фарқ қилмайдиганга ўхшайди. Аммо бу янги машинанинг битта янги, ажойиб фазилати бор. Уни қатор ораларда автоматик равишда бошқариш мумкин.

Бу янги машинанинг етакчи конструктори Аслан Гайкович Арзуманянц ҳаяжон билан гапиряпти:

— Автоматик равишда бошқариладиган машина яратиш ҳақидаги фикр машҳур механизатор Турсуной Охунова билан учрашганимдан кейин туғилди. Турсуной «ХВС-1,2» машинаси ҳақида:

— Ажойиб машина экан! — деди. Кейин бироз ўйлаб туриб-да қўшиб қўйди, — Аммо бурилишларда машинани бошқариш осон эмас. Механик-ҳайдовчининг ишини енгиллатаман десангиз, шу масалани ҳам ҳал қилинг. Раҳмат деймиз сизларга шунда!

Турсунойнинг гапи менга жуда таъсир қилди. Дарвоқе, шу масалани ҳал қилиш керак деб ўйлаб қолдик.

Конструкторлар бу масалани ҳам муваффақиятли ҳал этишди.

— «1ХА» машинасида, — деб ҳикоя қилади Аслан Гайкович, — рулни бошқариш учун гидроусилителлар қўлланилган. Энди машинани ёш бола ҳам бура олади. Ўйлаб-ўйлаб, машина қатор ораларидан юраётганда, уни бошқаришнинг автоматик йўлини ҳам топдик.

— Мана бу датчиклар, — дейди Аслан Гайкович кустонаправителга ўрнатилган металл хивичларни кўрсатиб, — донмо ғўза тупига тегиб туради. Агар машина қатор оралаб юраётганда ғўза тупидан чорак сантиметр нари жилса ҳам, датчик бу ҳақда дарҳол электрогидравлик ускунага «хабар» беради. Бу ускуна эса руль бошқариш аппаратларига махсус «команда» беради. Шундай қилиб, машина яна қатор ораларга тушиб олади.

— Демак, «ХВС-1,2» машинаси автоматик бошқариш жорий этилгач, энг мукаммал машина бўлиб қолибди-да, деб сўрадик Аслан Гайковичдан.

— Йўғе! Унчалик эмас, — дейди Аслан Гайкович, — мен сизга айтсам, техника тараққиётнинг чеки йўқ. Биз ҳал қилиниши лозим бўлган жуда кўп масалалардан бирини ечдик, холос. Бу соҳада ҳали ҳал этилмаган масалалар анчагина.

Аслан Гайкович муаммо масалаларни бирин-кетин санай кетди. Дарҳақиқат, улар оз эмас экан: машина таннархини камайтириш, унинг вазнини озайтириш, эксплуатация харажатларини пасайтириб, меҳнат унумдорлигини ошириш...

— Бу масалаларни ҳал қилиш устида, — дейди Аслан Гайкович, — дўстларимиз ва ҳамкасбларимиз шуғулланишяпти Михаил Никитович Марковнинг ишлари билан бир танишиб кўринг. Ажойиб ишлар!

Михаил Никитович бизни савол билан кутиб олди:

— Машина билан пахта териш мавсуми қанча давом этишини биласизми? — бир ярим-икки ой! Хўш, шундай экан, «ХВС-1,2» қолган ўн ой бекор турадими?! Ҳа, ҳозирча бекор туради. Бу аҳвол билан келишиб бўладими? Менимча, йўқ. Пахта териш машиналари универсал бўлиши керак. «ХВС-1,2» агрегати ўзи юрар шассига монтаж қилинган. У 70 от кучига эга бўлган автомобиль двигатели билан жиҳозланган. Амалда эса двигатель қувватининг ярмидан сал кўпроғи ишлатилади. Бизнингча, бу исрофгарчилик! Устига-устак тележка чопиқ тракторидан қимматга тушади: яна солярка билан эмас, бензин билан ишлайди.

Биз агрегатимиз вазнини икки хисса камайтирдик. Машина энергияни озроқ сарф қиладиган бўлиб қолди. Натижада қиммат ўзи юрар тележкани 30 от кучига эга бўлган автомобиль мотори билан жиҳозланган чопиқ трактори билан алмаштириш мумкин бўлди.

И. Марков раҳбарлигида яратилган «1ХА» машинасининг афзаллиги шундаки, у универсалдир. Пахта терими тугагач, трактордан терим агрегати олиб қўйилади. Шундай қилиб, тракторни бошқа ҳар қандай ишларда қўллаш мумкин. Мана масалан, унга «СКО-4» кўрак йиғиш агрегатини ўрнатиш мумкин. Бу агрегатни инженерлардан Виктор Константинович Куценко, Абдунаби Абдумажидов ва Константин Петрович Юшин ўртоқлар ихтиро қилишган.

«СКО-4» кўрак йиғиш агрегати ўтган йили кузда «Малик» совхозининг ва Янгийўл районидаги Хрушчев номли колхознинг пахта далаларида синаб кўрилди. Синов кўрсатдики, «СКО-4» машинаси эски кўрак йиғиш машиналаридан кўра анчагина афзалликларга эга экан. Эски кўрак йиғиш машиналарининг бункерига шох-шаббалар, пуч кўсаклар, ҳаттоки ғўза туплари ҳам кириб қоларди. Янги машинанинг афзаллиги шундаки, у бир вақтнинг ўзида ҳам кўрак йиғиб, ҳам уни чувийди.

Ўшанда пахтакорлар конструкторларга бу машиналардан тезроқ юборинг, деб қолишди.

— Пахтакорларнинг заказини бу йил бажарасизми? — деб сўрадик конструкторлардан.

— Янги кўрак йиғиш машинаси тез орада пахта далаларимизнинг тўла ҳуқуқли «граждани» бўлиб қолади, — дейди Виктор Константинович Куценко. — «Чирчиксельмаш» заводи бу йил шу хилдаги машиналарни оммавий тарзда ишлаб чиқара бошлайди.

Биз конструкторлар яратган 3 та янги машина ҳақида гапирдик. Пахта териш машиналари бўйича махсус Давлат конструкторлик бюросининг мутахассислари кўплаб, янги, ажойиб машиналар яратиш устида ишламоқдалар.

Никита Сергеевич Хрушчев Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг январь Пленумида сўзга чиқиб, қуйидагиларни айтган эди:

«Биз, ўртоқлар, пахта теримидаги қўл меҳнатини қисиб чиқаришимиз керак. Агар биз қўл меҳнатини қисиб чиқарсак, пахта йиғим-теримини тезлаштирган бўламиз. Шундай қилиб, ҳосилдорликни ошириш учун яхши шароит яратамиз. Колхоз ва совхозлар барвақт ер ҳайдайдилар ва бўлажак ҳосил учун яхшигина истиқбол яратилади».

Никита Сергеевич Хрушчевнинг бу сўзлари ва Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Программаси проектидан рухланган махсус Давлат конструкторлик бюроси коллективи энг сифатли, энг серунум, деҳқонларимизнинг мақтовига сазовор бўладиган янги пахта териш машиналари яратиш йўлида баракали меҳнат қилмоқдалар.

Димитрий ВОЛИН.

ПЛАН СЪЕЗДГАЧА БАЖАРИЛАДИ

Собиржон Қурбонов бошлиқ бригада аъзолари етиштирилган «оқ олтин» ҳосилини териб олишга Андижон область, Ленин районидаги Сталин номли колхозда биринчи бўлиб киришдилар. Теримнинг дастлабки куниданоқ пахта сортларининг бузилмаслигига, фақат яхши пишиб етилган пахталарнинг терилишига аҳамият берила бошлади.

Бригада аъзолари пахта тайёрлаш йиллик планини КПСС XXII съезди очиладиган кунгача бажариш мақсадида терим суръатини кундан-кунга оширмоқдалар. Мамлакат Бегматова, Муяссар Нурматова, Дилором Эргашева ва бошқа теримчилар пахтани тез ва тоза теришда бошқаларга намуна бўлмоқдалар.

Р. ХОЛМАТОВ.

КПСС XXII съезди шарафига МЕҲНАТ ЗАФАРЛАРИНИ КЎПАЙТИРАЙЛИК

★ ★ ★ ★ ★ ★

ПОП РАЙОНИ ЙИҒИМ-ТЕРИМ АРАФАСИДА

ФАРҒОНА, 22 август. (ЎзТАГ). Давлатга пахта сотиш йиллик планини КПСС XXII съездигача бажариш учун социалистик мусобақа ташаббускорлари бўлган Поп пахтакорларининг далаларида пахта очила бошлади. Бир неча кундан кейин районда пахта терими бошланади.

ЎзТАГ мухбири В. Татаринов Поп район партия комитетининг биринчи секретарига мурожаат қилиб, район хўжаликлари йиғим-теримга қандай тайёргарлик кўрганлиги тўғрисида гапириб беришни сўради.

— Бу йил пахта йиғим-теримига тайёргарлик даври, — деди райком секретари ўртоқ М. Раҳимов. — партиямизнинг ва халқимизнинг ҳаётидаги муҳим воқеа — КПСС янги Программаси ва Устави проектларини муҳокама қилиш билан бир вақтга тўғри келди. Бу эса колхозчиларнинг ва совхоз ишчиларининг сиёсий активлиги ва меҳнат ғайратини мислсиз даражада ошириб юборди. Минглаб теримчилар кўп минг килограммчилар ҳаракатига қўшилмоқда.

Ҳамма хўжаликларда йиғим-терим ишларининг графиги тузилди. Дастлабки даврда пахта терамида 6 мингга яқин киши ишлайди. Улар хирмонларга ҳар куни йиллик планнинг камида 1,5 процента миқдорида пахта етказиб берадилар. Бу пахтанинг ҳаммаси дарҳол тайёрлаш пунктларига жўнатилади. Сентябрь ойининг иккинчи ўн кунлигида, теримчилар сони кўпайтирилганида ва терим машиналари далаларга чиқарилганда кун сайин териладиган пахта миқдори йиллик планнинг 2,5-3 процентини ташкил этади.

Ҳозир пахта териш техникаси тайёр қилинаётир. Ҳамма агрегатларнинг ярмиси далага чиқариш учун шай қилиб қўйилди. «Правда» колхозидан Нурали Йўлдошев, «Сталинград» колхозидан Ражаб Мамадалиев ва бошқа кўпгина илғор механик-ҳайдовчилар мавсум давомида 200-250 тоннадан пахта териш мажбуриятини олдилар. Механизаторлар армиясининг гвардиячиси, Ленин номли колхоз аъзоси, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Мелиқўзи Умрзоқов партия XXII съезди шарафига ўз машинасида 350 тонна «оқ олтин» теришга аҳд қилди.

Район хўжаликларида 200 хирмон, пахтани офтобда қуритиш учун асфальт ётқизилган 30 майдонча қурилди. Яқинда яна 62 та очиқ майдонча қурилиб бўлади. Газ сушилкаларини ремонт қилиш қизғин бораётир, автотранспорт тартибга солинмоқда. Бригадаларга 3 минг этак, зарур миқдорда қопқанор етказиб берилди.

Йиғим-терим даврида колхозчилар иссиқ овқат билан бевосита далаларда таъминланади. Болалар муассасалари тармоғи кенгайтирилмоқда, пахтакорларга энг зарур товарларни бевосита иш жойида сотиш ташкил этилди.

— Бу йил, — деди пировардида ўртоқ Раҳимов, — Поп райони пахтакорлари партия XXII съезди шарафига меҳнат вахтасида туриб, 11.900 гектар майдондан 35 минг тонна пахта териб олиш ва давлатга сотиш мажбуриятини олдилар. Ана шунинг ўзи мамлакатимизда коммунизм қуриш программасини амалга ошириш учун олиб борилаётган умумхалқ курашига қўшадиган биринчи ҳиссамиз бўлади.

ТЕРИМ АГРЕГАТЛАРИ ШАЙ БЎЛСИН!

РЕСПУБЛИКАДА 8427 ПАХТА ТЕРИШ МАШИНАСИДАН ЭНДИ 4344 ТАСИ РЕМОНТДАН ЧИҚАРИЛДИ.

ҚУСАК ЧУВИШ МАШИНАЛАРИНИ РЕМОНТ ҚИЛИШ ПЛАНИ ФАҚАТ 26,9 ПРОЦЕНТ БАЖАРИЛДИ.

ҚУРАК ТОЗАЛАШ МАШИНАЛАРИНИНГ 41,1 ПРОЦЕНТИ РЕМОНТ ҚИЛИНДИ.

ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН АССР, ХОРАЗМ, САМАРҚАНД, СУРХОНДАРЁ ОБЛАСТЛАРИ ПАХТА ТЕРИШ МАШИНАЛАРИНИ РЕМОНТ ҚИЛИШДА АЙНИҚСА СУДРАЛИБ ҚОЛМОҚДАЛАР.

ФАРҒОНА, ТОШКЕНТ, АНДИЖОН ОБЛАСТЛАРИНИНГ МЕХАНИЗАТОРЛАРИ, ТЕРИМ АГРЕГАТЛАРИ РЕМОНТИНИНГ СУРЪАТИНИ ТЕЗЛАТИНГ!

ДАВЛАТГА АЪЛО СИФАТЛИ ПАХТА БЕРАМИЗ

УЧҚЎРҒОН, (Андижон области), 22 август. (ЎзТАГ). Учқўрғон райони пахтакорлари бу йил давлатга 42 минг тоннадан ортиқ пахта сотадилар. Учқўрғонликлар Социалистик Меҳнат Қаҳрамонлари Турсуной Охунова ва Ҳаким Қодировлардан намуна олиб, йиғим-теримнинг биринчи куниндан тортиб охирги кунигача тайёрлаш пунктларига фақат юқори сортли пахта жўнатишга қарор қилдилар.

Ленин номли совхоз коллективи йиғим-теримга намунали тайёргарлик кўришда бошқаларга ўрнак бўлаётир. Бу хўжаликда пахтани офтобда қуритиш учун асфальт ётқизилган майдончалар қурилди. Хўжаликнинг ўз лабораторияси ташкил этилди, лаборатория ходимлари пахта терилишининг сифатини контроль қиладилар, сортларнинг аралаштириб юборилишига йўл қўймаслик чораларини кўрадилар. Бундай лабораториялар Ленин номли, Охунбобоев номли, «Сталинчи» колхозларида ҳам ташкил этилмоқда.

Пахтани далалардан тайёрлаш пунктига моҳирлик билан ташиш ҳам юқори сифат учун курашдир. 12 минг тонна пахтани, яъни етиштирилган ҳосилнинг тўртдан бир қисмидан кўпроғини қоп-қанорсиз ташиш мўлжалланади. Шу мақсадда район хўжаликлари 30 дан ортиқ прицеп сотиб олдилар.

Бир мавсумда уч марта пилла ҳосили

ВОРОШИЛОВО, (Андижон области), 22 август. (ЎзТАГ). Ворошилов районидаги тажриба-намуна хўжалиги бўлган Ленин номли колхоз шу мавсумда учинчи марта қурт боқишга киришди. Колхоз кўкламги қурт боқишда ҳар қути қурт уруғидан 50 килограммдан ортиқ, такрор қурт боқишда қариб 40 килограммдан пилла олган эди. Давлатга 320 центнердан ортиқ пилла сотилди. Жамоат хўжалигининг шу тармоғидан олинган даромад қариб юз минг сўмни ташкил этди. Пиллачилар учинчи марта қурт боқиб, ҳар қути қурт уруғидан камида 30 килограммдан пилла олишни мўлжаллайдиган. Бу пилланинг ҳаммаси КПСС XXII съезди шарафига пландан ташқари маҳсулот фондига топширилади.

СИЛОС—ГЎШТ, СУТ, ЁҒ

Ўзбекистон ССР колхоз ва совхозларида силос бостиришнинг бориши тўғрисида 1961 йил 20 августгача бўлган

МАЪЛУМОТ

(Мажбуриятга нисбатан процент ҳисобида)

Областлар	Бажарилиши
Тошкент	33,1
Андижон	28,0
Сурхондарё	21,8
Фарғона	16,6
Хоразм	11,1
Самарқанд	10,9
Бухоро	10,5
Қорақалпоғистон АССР	4,5

ТЕРИМГА ТУШИШ ОЛДИДАН

Тошкент область, Комсомол районидаги Ленин номли колхознинг биринчи бригада аъзолари 120 гектар ерининг ҳар гектаридан камида 30 центнердан пахта етиштириш мажбуриятини олганлар. Улар астойдил меҳнат қилиб, мажбуриятнинг тўла бажарилишини таъминлайдиган даражада мўл ҳосил етиштирдилар. Бригадада пахта териш эрта-кунди қизғин бошлаб юборилади. Суратда (чапдан): бригада аъзоларидан Ўғилой ЭРГАШЕВА ва Ижобат ШАРИПОВА ўртоқлар ҳосилнинг қандай етилаётганини кўздан кечирмоқдалар.

В. САЛОВ фотоси.

XXII СЪЕЗДНИНГ МИНБАРИ

КПСС ПРОГРАММАСИ ВА УСТАВИ ПРОЕКТЛАРИНИ МУҲОКАМА ҚИЛАМИЗ

КОММУНИЗМ — ЮКСАК ОНГЛИЛАР ЖАМИЯТИ

КОММУНИСТИК ЖАМИЯТ МЕҲНАТ АҲЛЛАРИНИНГ ЮКСАК ДАРАЖАДА УЮШГАН ДЎСТОНА ОИЛАСИ БУЛАДИ. ҲАММА ТОМОНИДАН ЭЪТИРОФ ЭТИЛГАН ЯГОНА КОММУНИСТИК ТУРМУШ ҚОИДАЛАРИ ВУЖУДГА КЕЛАДИКИ, БУ ҚОИДАЛАРГА РИОЯ ҚИЛИШ БАРЧА КИШИЛАРНИНГ ИЧКИ ЭҲТИЁЖИ ВА ОДАТИГА АЙЛАНАДИ.

СОВЕТ ИТТИФОҚИ КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ПРОГРАММАСИ ПРОЕКТИДАН

Н. Меламед чизган расм.

УЛУҒВОР ҲУЖЖАТЛАРДАН ИЛҲОМЛАНИБ

АНДИЖОН, (ЎзТАГ). Ворошилов районидаги Ленин номли, «Қаҳрамон», Карл Маркс номли колхозларда очиқ партия йиғилишлари ўтказилиб, қишлоқ меҳнаткашлари бу йиғилишларда КПСС Программаси ва Устави проектларини муҳокама қилдилар. Колхозларнинг активлари ана шу тарихий ҳужжатларни астойдил маъқуллаб, коммунистик жамият қуриш суръатларини тезлаштиришга қаратилган бир қанча таклифларни киритдилар.

Ленин номли колхоздаги йиғилишда инженер-механик Усмон Қурбонов бундай деди: Бизнинг тажриба-намуна хўжалигимизда жуда кўп механизация воситалари бор. Лекин Программа проектида техника-иқтисодий кўрсаткичлари юқори бўлган автоматика ва машиналар системасидан тез ва самарали фойдаланиш кўзда тутилган. Колхоз инженерларининг фикрича, ишни шундай тарзда олиб бориш керакки, бунинг натижасида дастлабки ўн йилликнинг охирига борганда тажриба-намуна хўжаликларидаги механизаторларнинг кўпчилиги ўрта техника маълумотига эга бўлиши керак.

Бригада бошлиқлари — коммунистлар Юсуф Йўлдошев, Ҳайитохун Турдиохунов, Холдор Эсонбоев коммунистик қурилишни кенг авж олдиришнинг иккинчи ўн йиллиги бошларига борганда ҳар бир комплекс механизациялашган бригадага олий ёки ўрта маълумотли дипломга эга бўлган агрономлар бошлиқ бўлиш керак, деган фикрни билдирдилар. Бу эса агрономия фанининг энг янги ютуқларини практикага тезроқ жорий қилиш, Ватанга кўпроқ пахта бериш имкониятини туғдиради.

Ленин номли колхоз пахтакорлари КПСС XXII съездини муносиб кутиб олиш учун мусобақалашмоқдалар. Партия йиғилишининг қатнашчилари илгари олинган мажбурият қайта қараб чиқилсин ҳамда давлатга пахта сотиш йиллик плани Улуғ Октябрнинг 44 йиллик кунигача эмас, балки партия съезди очиладиган кунгача бажарилсин, деган таклифни киритдилар.

ТЕХНИКА ТАРАҚҚИЁТИ УЧУН КУРАШ КУЧАЙТИРИЛСИН

(ТОШКЕНТ ШАҲАР КУЙБИШЕВ РАЙОН ПАРТИЯ КОНФЕРЕНЦИЯСИДАН)

□ □ □

Икки кун давом этган Куйбишев район партия конференциясида Тошкент шаҳар партия комитетининг секретари ўртоқ И. Р. Арнаутовнинг КПСС Программаси проекти ҳақидаги, райком секретари Р. Муҳамедованинг КПСС Устави проекти ҳақидаги, район партия комитетининг биринчи секретари А. И. Бродованинг район партия комитетининг ҳисоботи тўғрисидаги докладлари тинглайди ва муҳокама қилинди.

Район меҳнаткашлари КПСС Программаси ва Устави проектларини зўр мамнуният билан кутиб олдилар ва муҳокама қилмоқдалар. Саноат корхоналари, қурилиш ва транспорт ташкилотларининг ишчилари, инженер-техник ходимлари ва хизматчилари бу тарихий ҳужжатларни ҳақли равишда коммунистик жамият қурилишининг улуғвор Программаси деб атамоқдалар. Бу тарихий ҳужжатлар меҳнаткашларнинг етти йиллик план топшириқларини муддатидан илгари бажариш, коммунизмнинг моддий-техника базасини яратишга муносиб ҳисса қўшиш йўлидаги ғайрат ва ташаббусини янада ошириб юборди. Саноат корхоналарида маҳсулот ишлаб чиқариш кўпайяпти, унинг сифати яхшиланяпти, таннархи арзонлашяпти. Докладчилар ва музокарада қатнашган делегатлар шу ҳақда зўр қувонч билан гапирдилар.

Район партия ташкилоти КПСС Устави ва Программаси проектларини жойларда кенг пропаганда қилиш юзасидан оператив тадбирлар белгилади. Бу тарихий ҳужжатларни пропаганда қилишда пропаганда ва агитациянинг барча форма ва методларидан кенг фойдаланиляпти.

Конференция делегатлари КПСС Программаси ва Устави проектларини якдиллик билан маъқуллаб қарор қабул қилдилар.

Район партия ташкилоти ҳисобот даврида қолиб, ишлаб чиқаришда анча чиниқди, ташкилий жиҳатдан мустаҳкамланди, хўжаликка раҳбарлик қилишни яхшилади, идеология ишлари савиясини оширди. Район меҳнаткашларини етти йиллик план топшириқлари ва КПСС XXII съезди шарафига олинган социалистик мажбуриятларни бажаришга сафарбар этди. Район саноат корхоналарида социалистик мусобақани кизитиш, янги техника ва ишлаб чиқаришни ташкил этишнинг илғор усулларини жорий қилиш асосида етти ойлик маҳсулот ишлаб чиқариш плани 103,4 процент бажарилди. Район партия комитети ва бошланғич партия ташкилотлари коммунистик меҳнат зарбдорлари ва коллективлари номини олиш учун мусобақани кучайтирдилар.

Техника прогрессига эътибор кучайтирилди. Йил бошидан бери 14 поток ва ярим автомат линия ишга туширилди. 341 та янги асбоб-ускуна ўрнатилди. 101 машина ва механизмлар модернизация қилинди. Рационализатор ва ихтирочилар техникани тараққий эттиришга муносиб ҳисса қўшмоқдалар.

Аммо шу билан бирга саноатга раҳбарлик қилишда қатор камчиликларга ҳам йўл қўйилмоқда. Ўтган етти ойда 11 корхона белгиланган планни бажармади. Улар орасида «Ташсельмаш», экскаватор, «Узхлопкомаш», Чкалов номидаги металл буюмлари заводлари, 1-ёғ заводлари бошқармаси бор. Район партия комитети ва бошланғич партия ташкилотлари бу корхоналарнинг бир меёрда ишлашини таъминламадилар, ускуналарнинг бекор туриб қолиш ҳолларини камайтириш учун қатъият билан курашмадилар, меҳнат унумдорлигини оширишни таъминловчи имкониятлардан етарли фойдаланмадилар, социалистик мусобақага раҳбарлик қилишда, меҳнат интизомини мустаҳкамлашда жиддий камчиликларга йўл қўйдилар.

Экскаватор заводи коммунистик меҳнат бригадасининг бошлиғи Макаров, «Узхлопкомаш» заводининг директори Синягин, «Главстройиндустрия» ремонт-механика заводининг бригадири Федоров ўртоқлар шу ҳақда гапирдилар.

— Коллективимиз етти ойлик планни бажара олмади, — деди экскаватор заводидан делегат қилиб сайланган ўртоқ Макаров. — Пландагидан 7 та экскаватор кам ишлаб чиқардик. Запас қисмлар тайёрлашда ҳам шундай камчилик содир бўлди. Планнинг бажарилмаётганлигига асосий сабаб корхонамизда техника прогресси учун етарли кураш олиб борилмаётганлигидир. Бизда ҳали кўп меҳнат талаб қиладиган оғир ишлар қўлда бажариляпти. Айниқса, қуюв цехида механизация даражаси паст. Бу цехни реконструкция қилиш назарда тутилган эди. Унинг лойиҳаси ҳам тайёрланди, лекин республика Халқ хўжалиги кенгаши машинасозлик бошқармаси раҳбарларининг, қолаверса корхонамиз раҳбарларининг совуққонлиги, бу муҳим ишга етарли аҳамият бермаётганлиги натижасида зарур асбоб-ускуналар ҳали ҳам олинганги йўқ. Район партия комитети корхонамиздаги ана шу аҳволни била туриб, бу масалани изчиллик билан ҳал қилмади.

Тошкентдаги ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш институтининг ўқитувчиси Пўлатов, Тошкент политехника институти партия бюросининг секретари Медведев, сиёсий ва илмий билимларни тарқатувчи жамият район бўлимининг раиси Аҳмедов ўртоқлар партиявий сиёсий ва тарбиявий ишлардаги жиддий камчиликларни кўрсатиб ўтдилар.

Конференцияда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари ўртоқ Ш. Р. Рашидов нутқ сўзлади.

Конференция ишида Тошкент область партия комитетининг биринчи секретари ўртоқ М. А. Абдураззоқов қатнашди.

Конференция район партия комитетининг ҳисобот доклади юзасидан тегишли қарор қабул қилди.

Конференция район партия комитети ва ревизия комиссиясининг янги составини, шунингдек Тошкент область ва Тошкент шаҳар партия конференцияларига делегатлар сайлади.

* * *

Район партия комитетининг пленуми бўлиб ўтди. Пленум А. И. Бродовани район партия комитетининг биринчи секретари, М. Я. Буреш, Р. Муҳамедова ўртоқларни район партия комитетининг секретарлари қилиб сайлади.

М. МИРҲАМИДОВ.

Резервлардан унумли фойдаланиш керак

(ОХУНБОБОЕВ РАЙОН ПАРТИЯ КОНФЕРЕНЦИЯСИДАН)

□ □ □

Охунбобоев район республикамизнинг йирик пахтакор районларидан бири. Бу ерда пахтачилик билан бир қаторда пиллачилик, чорвачилик ҳам катта ўрин тутади. Пахтачиликда прогрессив метод ҳисобланган ғўзани кетмонсиз парвариш қилиш усули шу ердан бошланган. Етти йилликда район халқ хўжалигининг ҳамма тармоқларини кескин ривожлантириш кўзда тутилади.

Район партия ташкилоти XVII конференциясининг делегатлари кун тартибига қўйилган масалаларни муҳокама қилар эканлар, КПСС Программаси проекти, КПСС Устави проектига алоҳида эътибор бердилар. Делегатлар ҳар икки муҳим ҳужжат ҳамма жойда кенг муҳокама қилинаётгани, шаҳар ва қишлоқларнинг меҳнаткашлари ўз режаларини қайта кўриб чиқаётганликларини, КПСС XXII съездини муносиб кутиб олиш тадбирларини белгилаб, буларни амалга ошириш устида тинмай иш олиб бораётганликларини алоҳида ўқтириб ўтдилар.

— КПСС Программаси проекти инсоният орзу-умидларини рўёбга чиқаришнинг ягона йўлидир, — деди биринчи масала юзасидан доклад қилган Фарғона область партия комитетининг секретари ўртоқ С. Тоштемиров. КПСС Программаси проектида илмий коммунизм назарияси бойитилган. Совет кишилари ана шу улуғвор Программа асосида коммунизмга борадилар.

КПСС Устави проекти тўғрисида доклад қилган район партия комитетининг секретари ўртоқ М. Мўминов партия Уставининг тарихий аҳамияти ҳақида муфассал гапирди.

Ҳар икки масала юзасидан сўзга чиққан «Фарғона» колхози партия ташкилотининг секретари М. Олимов, мактаб-интернат директори М. Исҳоқов. «Партия XIX съезди» колхозининг раиси А. Эгамбердиев, Жданов номли колхознинг бригадири М. Маҳмудов, Тошлоқ пахта заводининг ишчиси С. Стрельников ва бошқа ўртоқлар ўз сўзларида партиянинг Программа ва Устави проектларининг муҳокамаси меҳнаткашларни янгича ишлашга, коммунизмнинг моддий-техника базасини бунёдга келтириш устида фидокорлик билан меҳнат қилишга илҳомлантирганини айтдилар.

Конференция қатнашчилари КПСС Программаси ва Устави проектларини тўла маъқуллаб қарор қабул қилдилар.

— Ҳисобот даврида район саноати анча ривожланди, — деди райкомнинг ҳисобот докладини қилган райком секретари М. Абдуллаев, — маҳаллий саноат комбинати етти ойлик планни 107, шойи тўқув фабрикаси 105, автобаза 104,7 процент бажарди. Тошлоқ пахта заводининг коллективи коммунистик меҳнат коллективи номини олиш учун курашмоқда. Пахта заводидан Ҳамдамов, автобазадан Суслов, тўқув фабрикасидан Аҳмедов ўртоқлар бошлиқ бригадаларга КПСС XXII съезди шарафига бошланган социалистик мусобақада энг яхши натижаларга эришганликлари учун коммунистик меҳнат бригадаси номи берилди.

Пахтачиликни юксалтиришда баъзи ишлар амалга оширилди. 24.280 гектар майдонга чигит экилди. Шу йилнинг ўзида 12.000 гектар янги ер ўзлаштирилди. Дала ишларининг ҳаммаси етти йилликнинг учинчи йилида давлатга 54 минг тонна пахта етказиб беришга қаратилди.

Пиллачилик, чорвачилик ва қишлоқ хўжалигининг бошқа соҳаларини ривожлантиришда жиддий ютуқларга эришилган бўлсада, жиддий хато ва камчиликларга йўл қўйилди. Районда «Фарғона» колхозидан ташқари бирорта колхозда пилла тайёрлаш плани бажарилмади. Район бўйича йиллик пилла тайёрлаш плани 88 процентда қолиб кетди. Силос бостириш эндигина 29 процентга етди. Техникани йиғим-теримга тайёрлаш ниҳоятда қониқарсиз. 104 та пахта териш машинасидан эндигина 49 таси ремонтдан чиқарилди.

Охунбобоев районида Марказий Фарғона ерларига жойлашган. Бу район битмас-туганмас резервларга эга. Шунга қарамай, докладчи М. Абдуллаев бу ҳақда ломмим демади. Пахта йиғим-теримига тайёрлик кўриш, пахтачиликда ҳал қилувчи куч бўлган механизаторлар, янги ерларни ўзлаштирувчилар ҳақида ҳам докладда ҳеч нарса айтилмади.

Докладда партиявий-ташкилий, партиявий-сиёсий ишларнинг қўйилиши, соғлиқни сақлаш, мактабмаориф, маҳаллий Советлар, комсомол ташкилотларига раҳбарлик масалалари ҳам умумий тарзда баён қилинди.

— Пахтачиликда прогрессив усул — ғўзани кетмонсиз парвариш қилиш бизнинг районимизда бошланган, — деди делегат А. Латипов. Бироқ, ана шу усулнинг афзалликлари ҳақида докладчи бирор сўз айтдими? Йўқ. Шунингдек, шонли механизаторлар, трактор-далачилик бригадалари, маяжуд техникадан фойдаланиш (район колхозларида икки ярим миллион сўмлик техника ишлатилмасдан яроқсиз ҳолга келтирилган) ҳақида ҳам бирор гап йўқ. Район партия комитети ва унинг биринчи секретари ўртоқ М. Абдуллаев бир томонлама иш тутишга одатланиб қолган.

Жданов номли колхознинг раиси Б. Мақсумов район партия комитети ва унинг секретарлари колхозларга амалий ёрдам бермаётганликлари, хотин-қизлар билан ишлаш қониқарсиз қўйилгани, Карл Маркс номли колхоз партия ташкилотининг секретари М. Муллажонов районда муҳим таклифлар амалга ошмаётгани тўғрисидаги докладлари тинглайди ва муҳокама қилинди.

Район раҳбарлари жуда яхши тадбирлар тизимига одатланиб қолганлар-у, уларнинг бажарилишини контроль қилмайдилар. Яқин йиллар ичида колхозларнинг экин майдонлари 31 минг гектарга етказилиши керак, 4 минг гектардан ортиқроқ қўриқ ва бўз ерлар ўзлаштирилади. Қишлоқ хўжалик маҳсулотларини кескин кўпайтириш имконияти бор. Лекин, бу имкониятлар ишга солинмай келмоқда.

Конференцияда область партия комитетининг биринчи секретари Т. Қамбаров нутқ сўзлади.

Район партия комитетининг янги составини кўрсатиш вақтида райкомнинг биринчи секретари М. Абдуллаев ўз иш фаолиятида жиддий нуқсонларга йўл қўйгани, Фарғона шаҳрида ҳашаматли уй қургани учун янги составга киритилмади.

* * *

Район партия комитетининг пленумида райкомнинг биринчи секретари қилиб С. Тоштемиров, райком секретарлари қилиб В. С. Ким, М. Мўминов ўртоқлар сайландилар.

И. ТЎХТАСИНОВ,
«Қизил Ўзбекистон» мухбири.

Самарқанд область меҳнаткашлари КПСС Программаси ва Устави проектларини зўр қизиқиш ва мамнуният билан ўрганмоқдалар, Суратда: Нурота район партия комитети пропаганда-агитация бўлимининг мудири М. Менглиев пропагандистлар билан семинар ўтказмоқда.

Б. Мазур фотоси. (ЎзТАГ фотохроникаси.)

КОММУНИСТЛАРНИНГ ТАКЛИФЛАРИ

Бухоро область корхоналари, муассасалари, колхоз ва совхозларида бўлаётган партия йиғилишларида КПСС Устави проектини муҳокама қилганда шу ҳужжатнинг текстига бир қанча қўшимча ва тузатишлар киритиш таклиф этилди.

Бухоро нон комбинатининг партия йиғилишида технолог В. Е. Козина сўзга чиқиб, ишлаб чиқариш стажи партияга қабул қилиш шартларидан бири бўлиши лозим, деган фикрни айтди. Ўртоқ Козинанинг фикрича, партияга кирувчи кишилар коммунизм қураётган жамиятнинг ижобий аъзоси эканлигини кўрсатиши лозим ва камида икки йиллик иш стажига эга бўлиши керак. Шу муносабат билан, эски йиғилмага етган кишиларни партияга қабул қилиш таклиф этилади.

Когон район партия комитетининг инструктори И. С. Климов бошланғич партия ташкилотини тузиш учун партия аъзоларидан уч кишининг мавжуд бўлиши етарли эмас, деб ҳисоблайди. Кам сонли ташкилот, дейди райком инструктори, уч коммунистдан биринг кетиб қолиши орқасида ишга қобилиятсиз бўлиши мумкин. Партия аъзоларидан камида беш киши мавжуд бўлганда бошланғич партия ташкилотини тузиш мақсадга мувофиқ бўлур эди.

— Бир қанча сабабларга кўра, коммунистлар партия аъзолигига кандидатнинг шахсий ва ишдаги сифатларини бир йил ичида баъзан билиб олмасликлари мумкин, — дейди Гиждувон районидаги «Москва» колхозининг бригада бошлиғи К. Мирзаев. — Устав проекти иккинчи қисмининг 14-моддасида кандидатлик стажи бир йилдан икки йилгача белгиланиб, шундан ортиқ узайтирилмаслигини эзиб қўйишни таклиф этаман.

Бухоро радиоэшиттириш редакцияси партия ташкилотининг секретари Ф. Қурбонов Устав проектининг биринчи қисми учинчи моддасига партия аъзосининг танқид қилиш ҳуқуқи ҳақидаги «в» бандига тузатиш киритади. Партия аъзоси партия йиғилишларида, конференцияларида, пленумларидагина эмас, балки партия матбуотида ҳам ҳар бир коммунистни унинг эгаллаб турган вазифасидан қатъи назар, танқид қилиши мумкинлигини кўрсатиш таклиф этилади. (ЎзТАГ).

БИЗНИНГ МУЛОҲАЗАЛАРИМИЗ

Шу кеча-кундузда қаерга борманг, совет кишиларининг КПСС Программаси проекти билан чуқур танишаётганини, уни кенг муҳокама қилаётганини кўрасиз. Биз революция ветеранлари ҳам, бу буюк ҳужжатни — тинчлик, бахт-саодат, порлоқ ҳаёт программасини жон-дилимиз билан ўрганаётгирмиз. Унинг олам-олам мазмунли сатрларини ўқир эканмиз кўз олдимизда коммунизмнинг порлоқ чўққилари гавдаланди, ўтмиш кунлар ёдимизга тушди.

Оловли 1919 йил март ойининг тарихий кунлари ҳали эсимизда. Ўша пайтда партиямиз ўзининг иккинчи Программасини қабул қилди. Унда социалистик жамият қуришнинг вазифалари баён қилиб берилган эди. Шунда жаноб империалистлар, думи кесилган илондек типирчилаб, талваса га тушдилар. Улар «большевизмни бўғиб ташлаш» ва навқирон Совет давлатини йўқ қилиш учун бутун кучларини ишга солдилар. Ақтанта юриши бошланди. Мамлакатимиз ўт ичида қолди.

Коммунистик партия раҳнамолигида ишчи-деҳқонлар янги дунё душманларининг ғовларини парчалаб, ўзларининг мамлакатни мудофаа қилишга ҳамиша қодир, юртни идора қилишга лойиқ эканликларини намойиш қилдилар. Беш йилликларни голибона босиб ўтдик.

Халқ муҳокамасига тақдим этилган янги Программа ҳам беш йиллик планлардек муваффақиятли бажарилажак. Чунки Ленин партияси чизиб берган улуғвор вазифалар биз кексаларни ҳам ҳалқонга солиб, янги меҳнат зафарларига индамоқда.

— «ҲАР БИР МЕҲНАТКАШ КОММУНИСТИК ЖАМИЯТ ҚУРИШДА, ХАЛҚ ФАРОВОНЛИГИНИ ОШИРИШ ПРОГРАММАСИНИ БАЖАРИШ УЧУН КУРАШДА ЎЗ БУРЧИНИ ЎТАШИ ЛОЗИМ» — давримизнинг ажойиб ҳужжатидаги бу сўзларни қалбимизга жо қилиб олдик.

Биз революцион шон-шуҳрат клубининг фаолиятини кенгайтириш, пропаганда ва агитация ишларимизни кучайтириш юзасидан янги вазифаларимизни белгилаб чиқдик.

Клубимиз аъзолари — революция ветеранлари сафида партия ишларида, саноат, қишлоқ хўжалиги, фан-техника ва маданият соҳасида узоқ йиллар меҳнат қилган тажрибали, уддабўрон кишилар кўп. Улар партия топшириқларини сидқидил бажаришга ҳамиша тайёрдирлар.

Программанинг «Коммунизм қурилиши кенг авж олдирилган даврда партия» деган бўлимини ўқир эканмиз, ундаги:

— МАОШ ТЎЛАНАДИГАН ПАРТИЯ АППАРАТИ МУТТАСИЛ ҚИСҚАРТИБ БОРИЛСИН, КОММУНИСТЛАР ШТАТСИЗ ХОДИМЛАР СИФАТИДА ИЖТИМОИЙ ИШ ТАРТИБИДА КЕНГРОҚ ЖАЛБ ЭТИЛСИН — деган сўзлардан қаноатландик.

Биз Коммунистик партиянинг шонли XXII съездида муҳокама қилинадиган КПСС Программаси проектининг «Коммунизм қурилиши авж олдирилган даврда партия» деган бўлимидаги «Г» пунктига қуйидаги таклиф киритилишини истар эдик.

— МАОШ ТЎЛАНАДИГАН ПАРТИЯ АППАРАТИ МУТТАСИЛ ҚИСҚАРТИБ БОРИЛСИН, КЕКСА КОММУНИСТЛАР, РЕВОЛЮЦИЯ ВЕТЕРАНЛАРИ ҲАМ ШТАТСИЗ ХОДИМЛАР СИФАТИДА ПАРТИЯ, ДАВЛАТ ВА ЖАМОАТ ИШЛАРИГА КЎПРОҚ ЖАЛБ ҚИЛИНСИН.

Шунингдек, қуйидаги пунктни ҳам таклиф этамиз:

— ШАҲАР ВА РАЙОН ПАРТИЯ ТАШКИЛОТЛАРИ РАҲБАРЛИГИДА КЎПЛАБ РЕВОЛЮЦИОН ШОН-ШУҲРАТ КЛУБЛАРИ ТАШКИЛ ЭТИЛСИН. БУ КЛУБ АЪЗОЛАРИ ПРОПАГАНДА ВА АГИТАЦИЯ ИШЛАРИГА, ХЎЖАЛИК КОНТРОЛЛИГИ ОЛИБ БОРИШ, МАКТАБ, БОҒЧА ВА БОШҚА МУАССАСАЛАРГА ЁРДАМ УЮШТИРИШГА КЕНГ ЖАЛБ ҚИЛИНСИН.

Бизнингча, булар Программага киритилиши зарур. Чунки баъзи шаҳар ва район партия ташкилотлари тажрибали кекса мутахассисларнинг, революция ветеранларининг фаолиятидан етарли фойдалана олмаётир.

Шу билан бирга коммунизм қурувчисининг ахлоқ кодекси принциплари ҳақида ҳам ўз мулоҳаза ва таклифларимизни айтиб ўтмоқчимиз.

Текинхўрлик, виждонсизлик, манқасбарастлик каби капитализмнинг кишилар онгидаги ярамас сарқитлари яшовчан бўлади. Бу балога йўлиққан шахсларни орамиздан улоқтириб ташлаш керак. Токи «ҲАР БИР СОВЕТ КИШИСИНИНГ ЎЗ МЕҲНАТИ БИЛАН КОММУНИЗМ ТАНТАНАСИНИ ЯҚИНЛАШТИРАДИГАН» кунлар тезроқ келсин.

Программа проектида «Ижтимоий ва шахсий ҳаётда, ижтимоий бурчни бажаришда яхши ўрнак кўрсатиш жуда катта тарбиявий аҳамиятга эга» деган ажойиб гап бор.

Шу муносабат билан коммунистларнинг маънавий қиёфаси ҳақида икки оғиз сўз айтмоқчимиз. Баъзи коммунистларда ҳашаматли уй-жой қуриш, ортиқча безакка берилиш, қўша-қўша автомашина сотиб олиш ҳоллари учрайди. КОММУНИСТЛАР УЧУН ОРТИҚЧА УЙ-ЖОЙ ҚУРИШДАН, АВТОМАШИНАЛАРГА ШАХСИЙ ЭГАЛИК ҚИЛИШДАН ВОЗ КЕЧАДИГАН ВАҚТ КЕЛМАДИМИКИН!

Маълумки, шахсий мулк кетидан қувиш кишини коммунизм қурилишида фаол иштирок этишдан четга тортади.

Партия аъзосининг доми эса коммунизмни ўз меҳнати билан қураётганларнинг олдинги сафидадир.

Революцион шон-шуҳрат клубининг аъзолари:

Н. ҲУЖАЕВ — 1919 йилдан КПСС аъзоси.
Р. Ш. УСМОНОВ — 1920 йилдан КПСС аъзоси.
Г. Е. НАГАЕВ — 1919 йилдан КПСС аъзоси.
Г. К. ШЕВЦОВ — 1919 йилдан КПСС аъзоси.
Ш. ХОЛМУХАМЕДОВ — 1918 йилдан КПСС аъзоси.
С. Х. ҚАМОЛОВ — 1989 йилдан КПСС аъзоси.

КУРСК ЧОРВАДОРЛАРИНИНГ ИБРАТЛИ ТАЖРИБАСИ

ИЛҒОР ТАЖРИБАЛАРНИ ОММАЛАШТИРИШ — ЮКСАЛИШ ГАРОВИ

ФЕРМА МЕХАНИЗАЦИЯЛАШДИ

КУН ЎТГАН САЙИН жуда катта тарихий воқеа — КПСС XXII съезди очиладиган кунга яқинлашмоқдамиз. Коммунистик партия Программаси проектининг эълон қилиниши ҳам ҳаётимиздаги унутилмас воқеадир. Программа билан танишар экан-миз, коммунизм биноси ёрқинроқ намоён бўлаётганлигини сездик. Менинг ҳам бутун куч-ғайратим партиянинг шу улуғвор Программаси қабул қилинадиган съездни муносиб кутиб олишга қаратилган.

Йил бошидан буён 1508 бош чўчқани семиртириб давлатга топширдим. Ҳар бирининг ўртача вазни 85 килограммга тўғри келди. Шуни ҳам айтиб қўяйки, уларнинг кўпи бекон кондицияси-да қабул қилинди. Дастлабки қисоб-китобларга кўра бир центнер чўчқа гўштининг таннархи 45-47 сўм бўлади.

Ҳар ким ҳам жонажон партиямиз съездини муносиб кутиб олишга қаранат қилмоқда. Мен ҳам съезд очиладиган кунгача 1300-1400 бош чўчқани семиртириб гўштга топшириш ниятидаман. Йил охиригача эса 4000 бош чўчқани семиртириб, 3600 центнер гўшт топширмоқчиман.

Чўчқачилик фермамизда ишлар тўла механизациялаштирилган. Меҳнатимиз енгиллашди, ишимиз юришди. Май ойида боқувга қўйилган ҳар бир чўчқа бир кечакундузда ўртача 533 граммдан семирди. Июнь ойида эса чўчқаларнинг суткалик семириши камайиб кетди. Шу ерда бунинг сабабларини айтиб ўтмоқчиман. Май ойида ҳар чўчқага кўпи билан бир ярим килограммдан концентрат, 3 килограммдан кўк беда ёки қорабуғдой, арпа пояси, 5 килограммдан қанд лавлаги берилар эди. Бу озуқанинг ҳаммаси машина ёрдамида пастага айлантирилади ва вакуум самокормушкага солинади.

Июнь ойида инженер Тертишников системасидаги хашак майдалайдиган универсал машина буюриб олдик, паста тайёрлаш мумкин бўлмади. Шундан сўнг ҳар чўчқага 2 килограммдан концентрат, 8 килограммдан кўк беда бера бошладик. Лекин чўчқа олдингидек семирмади. Демак ҳамма гап қанд лавлагида экан.

Яқинда хашак майдалайдиган янги машина сотиб олдик. Яна паста тайёрламоқдамиз. Мен ва ёрдамчим Василий Еремин ҳар бир чўчқанинг суткада 600 граммдан семиришига эришдик. Бундан буён ҳам шу суръатни сақлаб қоламиз. Бунда қанд лавлагига ишончимиз зўр. Ўтган йилги ҳосилдан 2 минг центнергача қанд лавлаги қали турибди. Августнинг охирига бориб янги ҳосил ҳам етишиб қолади.

Яқингача чўчқаларни қишки бинода боқардик. Ишимиз эрталаб соат саккизда бошланади. Василий Еремин мотопомпа ёрдамида чўчқахонани ювади. Мен шу вақтда паста тайёрлайман. Шундан сўнг ем-хашак тарқатадиган транспортер ёрдамида вакуум самокормушкаларни тўлдирамиз. Бу ишларга бир ярим соат вақт кетади. Соат 10 да чўқурларда тўпланган гўнгни «Белорусь» трактори билан далага ташиб чиқаман. Соат 12 да яна паста тайёрланади ва самокормушкалар тўлдирилади, автопоилкаларга сув қуйилади. Бу ишларга ҳам тахминан бир ярим соат вақт кетади. Кечки соат 5 да чўчқахона иккинчи марта тозаланади, ҳайвонларга ем-хашак солинади. Соат 7 га бориб ишни тамомлаймиз. Шундай қилиб иш соатимиз 7-8 соатга тўғри келади.

Яқинда биз чўчқаларни ёзги чўчқахонага кўчирдик. Қишки чўчқахона қайтадан жиҳозланиб бошлади. Ёзги чўчқахонада узун ва кенг шийпон қурганмиз. Ҳайвонлар шу ерда боқилади. Бу ерда ҳам транспортер ўрнатилди. Самокормушка ўрнатиб ўтирмадик. Чўчқалар емни бевосита транспортер тарновидан еиберади.

Бунинг натижасида анча қулайликларни қўлга киритдик. Биринчидан, аввал бир вактнинг ўзида 100 та чўчқа овқатланса энди бир йўла 500 бош чўчқа ем ейди. Иккинчидан, бир вақтнинг ўзида 2 минг бош чўчқани, яъни олдингидан икки баравар кўп чўчқани боқишимиз мумкин. Учинчидан самокормушкани тўлдириш учун уни тўғтариб юришдан озод бўлдик. Тўртинчидан эса самокормушкадан воз нечиш метални тежаш, гўшт таннархини арзонлатиш имконини беради.

Фермадаги бу янгилик қанчалик фойда беришини аниқ ҳисоблаб чиққанимиз йўқ. Ҳар ҳолда ишимиз янада енгиллашди.

Ҳозир совхоз усталари қишки чўчқахонани икки бўлимга ажратмоқдалар. Бирида эндигина боқувга қўйилган чўчқалар, иккинчисида семирганларни боқилади. Тажриба шуни кўрсатдики, турли ёшдаги чўчқаларни турлича ем-хашак билан боқиш керак. Катта ёшдаги чўчқалар кўпроқ жир тўплаши учун, уларга оқсил моддалари кўп бўлган ем-хашак берилади. Кичик ёшдаги чўчқаларга ҳам шу емдан берар эдик. Бунинг натижасида ёшликдан жир битиб, чўчқа боласи унча катта сўлмай қоларди. Шунинг учун ҳам уларни алоҳида-алоҳида аҳратиб боқишга қарор қилдик.

Совхоз мутахассислари: бош ветеринария врачи И. Н. Нестеров, зоотехник К. Н. Севостьянов, бош зоотехник А. Н. Шевченко ва бошқалар биз чўчқабоқарларга катта ёрдам кўрсатишмоқда. Лекин совхоз бош инженери ўртоқ В. Ф. Правдивцевнинг кўмаги беқиёс бўлди. Унинг ташаббуси ва бевосита раҳбарлигида ўтган йили чўчқахонани тўла механизациялаштирдик. Энди эса технологияни такомиллаштирмоқдамиз.

Мен ва ёрдамчим Василий Еремин йил охиригача давлатга 3600 центнер гўшт топширишга аҳд қилганмиз. Мажбуриятимизни албатта бажарамиз.

Н. ШЕВЕЛЕВ,

Курск область, Медвенский районидаги «Реутчанский» совхозининг механизатор чўчқабоқари.

Суратда: ўртоқ Н. Шевелев.

ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК МАҲСУЛОТЛАРИГА ЭҲТИЁЖЛАРНИ ҚОНДИРИШНИНГ АСОСИЙ ЙЎЛИ

Қишлоқ хўжалигини юксалтиришнинг ва мамлакатнинг қишлоқ хўжалик маҳсулотларига ўсиб бораётган эҳтиёжларини қондиришнинг асосий йўли — ҳар томонлама механизациялаш ва изчил интенсивлаш: фан ва илғор тажриба асосида барча колхоз ва совхозларда деҳқончилик ва чорвачиликнинг юксак маданиятига эришиш, барча экинлар ҳосилдорлигини кескин суратда ошириш ҳамда меҳнат ва маблағларни ҳар томонлама тежаган ҳолда ҳар бир гектар ердан олинадиган маҳсулотни кўпайтиришдир. Шу асосда қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг жамият эҳтиёжларига мувофиқ ҳолда узлуксиз ўсиб боришига эришиш лозим. Қишлоқ хўжалиги техника билан қуролланиш ва ишлаб чиқаришни ташкил қилиш жиҳатидан саноат даражасига яқинлашади.

СОВЕТ ИТТИФОҚИ КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ПРОГРАММАСИ ПРОЕКТИДАН

* * *

„АРЧА“ ИШГА ТУШДИ

АЛЕКСАНДРА АКИМОВНА КОНДРАШЕВА билан Зина Брежнева ишни биринчи бўлиб бошлаб беришди. Улар сигирларни металл трубалар орасига киритиб, елинига сут соғиш аппаратининг стаканчаларини кийгизишди. Сут трубалардан бочкага оқиб туша бошлади. Бошқа сут соғувчилар ҳам шу ерда кузатиб туришарди. Лекин иш кутилганча бўлмади: аппарат тез-тез бузила бошлади. Қишлоқ механиклари янги техникани ҳали тўла ўзлаштириб олмаганликлари маълум эди.

— Мана, кўрдингизми, яхшиси қўлда соғиш. Ҳар қандай ақлли машина ҳам сут соғувчининг ўрнини босармиди...

Аммо колхоз раҳбарларининг фикри бутунлай бошқача эди. Ферма ёнида «арча» типида сут соғиш майдончаси қурила бошлади. Курск РТС-ининг мутахассислари ёрдам бериб туришди.

Йил бошида майдонча тайёр бўлди. Ким сигирларни биринчи бўлиб «арча» усулида соғади? Правлениеда Зина Брежневага умид қилишган эди. У эса баҳона топди:

— Сигирларим яқинда бузоқлаган, бузоқларни қандай тўйдираман? Йўқ, сабр қилатурай...

Бу гапларни эшитгандан сўнг Александра Акимовна партия ташкилотининг секретари Барибинга мурожаат қилди:

— Унинг гапини қаранг! Мен ўзим соғаман. Эртагаёқ сигирларни ўргата бошлайман, — деди у қатъий.

— Ўн йилдан буён пешқадам бўлиб келади, деб ўйлади партия ташкилотининг секретари идорага қараб кетар экан, — ҳозир ҳам бўш келмайди. Энди ишимиз юришиб кетади.

Сигирларни «арча» майдончасида соғишга ўргатиш осон бўлмади. Аппарат ҳам колхоз механиклари икир-чикиригача билиб олмагунча тихирлик қилиб турди. Мана энди, сигирлар соғиладиган вақтда ўзи келиб туради. Шундан кейин Александра Акимовна менга мурожаат қилди:

— Машинада 12 бош сигирни соғиб овора бўлиб юраманми, ўн минутлик иш. Ҳеч бўлмаса 30 та сигирни соғай.

Февраль ойида Кондрашева ҳаммадан кўп сут соғиб олгач, бошқа соғувчилар ҳам машина тарафдори бўлиб қолишди. Дастлаб Александра Акимовна дугоналари олдидан жилмай, уларга ўргатди, ёрдам берди. Ҳозир колхознинг энг яхши сут соғувчиларидан 4 киши 100 бош сигирни боқяпти ва соғяпти. Уларга фақат бир молбоқар ёрдам беради. Ҳатто хашакни ҳам соғувчиларнинг ўзлари ташиб келтиришади.

Сигирларнинг сути кун сайин кўпая бошлади. Бу эса соғувчиларнинг ғайратини оширди. Улар сигирларнинг сути машинада соғилгач, ийиндисини ҳам соғиб олиша бошлади. Бунинг натижасида сут кўпайибгина қолмай, унинг таркибидаги мой ҳам 3,8-3,9 процентдан 4,1-4,2 процентга етди.

Колхоз правлениеси ва партия ташкилоти чорвадорларнинг ҳамма ташаббусини қўллаб-қувватлайди. Ферма учун центрифуга сотиб олинди. Сутдаги мой миқдори ферманинг ўзида аниқланади. Бу эса сут соғувчиларнинг, молбоқарларнинг меҳнатига ҳақ тўлашни тартибга солиш имконини берди.

Олти ой-у йигирма кун ичида ферма бўйича ҳар сигирдан 1750 килограммдан сут олинди. З. Брежнева, Е. Горякина, В. Носова ва А. Кандрашева ўртоқлар сигирларни машинада соғиб, ҳар биридан 1830-1980 килограммдан сут олдилар.

Сут соғувчилар қишда ҳам моллари боғламай боқиш усулини жорий этиш ва ҳар бири 50-60 бош сигирни соғишни орзу қилишяпти. Уларнинг бу орзуси ҳам амалга ошади.

М. С. НОСОВ,

Стрелецкий районидаги «Коммунар» колхозининг ферма мудири.



Никита Сергеевич Хрушчев Россия Федерацияси Марказий Автоном республикалари ва областлари қишлоқ хўжалик илғорларининг кенгашида Иваново областидаги «Шуйский» совхозининг сут соғувчилари Зинанда ва Димитрий Заботинлар тўғрисида яхши гапларни айтди. Эр-хотин Заботинлар КПСС Марказий Комитети январь Пленуми қарорига жавобан, икковлари 300 сигирни соғиш ва бу сигирлардан 650 тонна сут олишга қарор қилдилар.

Илғорларнинг бу ташаббуси Курск область колхоз ва совхозларида ҳам қўллаб-қувватланмоқда. Иванинский районидаги Тельман номли колхознинг учала сутчилик фермасида ҳам сигирларни машинада соғиш жорий қилинди. Колхознинг илғор сут соғувчиси А. Т. Жульева 25 бош сигирнинг ҳар биридан ҳозиргача икки тоннадан ошириб сут олди.

СУРАТДА: ўртоқ А. Т. ЖУЛЬЕВА ёзлик лагерда сигирларни соғмоқда.

П. СТРЕЖКОВ фотоси.

КОЛХОЗЛАРАРО ЖЎЖАХОНА

Ўтган йиллари Понировский районидаги колхозларда паррандачиликда унча юксалиш бўлмади. Колхозлар инкубатория-паррандачилик станциясидан минглаб жўжа олиб келишар, аммо шундан ярми ҳам сақланиб қолмас, нобуд бўлиб кетарди. Жўжаларни келтириш вақтида, дон етишмаслигидан, бино ноқулайлигидан ва айниқса режимга риоя қилмасликдан жўжаларнинг кўпи нобуд бўларди.

Энди эса бутунлай бошқача. Район марказидаги «Путь к коммунизму» колхозининг қўйнонаси ўрнида колхозлараро жўжахона ташкил қилинди. Инкубатория станциясидан келтирилган жўжалар шу ерда бир ой боқилади.

Клавдия Ивановна Грецкова, Лариса Алексеевна Жужина, Раиса Григорьевна Дубровина жўжаларни меҳр билан асраб ўстиришади. Инкубатория-паррандачилик станциясининг зоотехниги Валентина Дрофеевна Андрюшенко ҳам бу ерга тез-тез келиб туради.

Жўжаларга турли ем берилади. Рационга витаминли ва минерал озуқалар ҳам киритилган.

Ярим йил мобайнида колхозлараро жўжахона район хўжаликларига 50 мингдан ортиқ жўжани бир ойлик қилиб ўстириб берди. Бу ёшда тарқатилган жўжаларнинг 96 процента сақланиб қолди. «Путь к коммунизму» колхози паррандачилари эса жўжаларнинг 98 процентини сақлаб қолдилар.

Ҳозир жўжахонада инкубаториядан келтирилган 43 мингта жўжа ўстириляпти. Яна 20-25 кундан сўнг бу жўжалар ҳам колхозларнинг фермаларини тўлдиради.

Биргина колхозлараро жўжахонанинг ташкил қилиниши райондаги хўжаликларга ана шундай фойда келтирмоқда.

КПСС янги Программаси проектида колхоз ишлаб чиқаришини янада юксалтириш йўллари ёрқин кўрсатиб берилган. Шу билан бирга колхозларнинг ўзаро ишлаб чиқариш алоқалари, мустаҳкамланиши, қишлоқ хўжалик артелларининг саноат корхоналари билан ҳамкорлиги кучайиши кўрсатилган. Партия Программаси проектидаги бу режаларнинг ҳаққонийлигини, реал эканлигини ҳозирги ҳаётимизнинг ўзи кўрсатиб турибди.

Понировский районининг механизаторлари Программа проектини қизғин маъқуллаб, мақоллар. Улар ўзларининг фидокорона меҳнатлари билан мамлакатимизда коммунизм қурилишига янада муносиб ҳисса қўшишга киришдилар. Районда чорвачилик маҳсулотлари етиштиришнинг кўпайганлиги, тухум ва паррандa гўшти етиштиришга ҳамма хўжаликларда катта эътибор берилаётганлиги ана шундан далолат бериб турибди. Район колхозларининг ўзаро ишлаб чиқариш алоқалари бундан буён ҳам янада мустаҳкамланади.

Д. БЕЛЯЕВ.

ИЛҒОРЛАР ЎРГАТМОҚДА

НИКИТА СЕРГЕЕВИЧ ХРУШЧЕВ Хомутовский районидаги Калиновка қишлоғи колхозчиларига қанд лавлаги етиштиришга эътибор беришни тавсия қилган эди. Қанд лавлаги моллар учун тўйимли озуқадир. Яхши парвариш қилинса, қанд лавлаги ҳосили хашаки лавлаги ҳосилидан қолишмайди, лекин унинг таркибида қуруқ моддалар кўп. Қанд лавлаги таркибида 25 процент қуруқ модда, шу жумладан 17 процент қанд бўлади. Шунинг учун ҳам у энг яхши озуқагина бўлиб қолмай, картошкага нисбатан фойдали ҳамдир. Чунки лавлаги ҳосилдорлиги 2,5 баравар кўп бўлади.

Масалан, бир гектар ердан калиновкаликлар 387 центнер қанд лавлаги олдилар. Бу эса 123,8 центнер озуқа бирлигини ташкил қиладi. Ҳар бир центнер озуқа бирлигининг таннархи 3 сўм 47 тийинга тушди. Бир гектар ердан эса 172 центнер картошка ҳосили олинди. Бу, 51,6 центнер озуқа бирлигига теңг. Унинг таннархи 5 сўм 32 тийинга тўғри келди. Демак, қанд лавлаги картошкага нисбатан 2,5 мартадан кўпроқ озуқа бирлиги беради. Бундан ташқари у арзонга тушади.

Ўтган йилнинг сентябрида Калиновкада чўчқаларни қанд лавлаги билан боқиб семиртириш тажриба қилиб кўрилди. Бунинг учун 184 та 4-5 ойлик чўчқа ажратилди. Чўчқаларни қанд лавлагига ўргатиш учун 20 кун боқилди. Бу вақтда уларга лавлаги ва концентратдан ташқари пиширилган картошка ва қовоқ берилди. 7 кундан сўнг эса картошка ва қовоқ камайтирилиб, қанд лавлаги кўпайтирилди.

Шундан кейин чўчқаларга лавлаги ҳомлигича берила бошлади. Бу тажрибалар шуни кўрсатдики, чўчқа қанд лавлаги бериб боқилса, семиртириш йўли билан олинган ҳар бир килограмм гўштнинг таннархи картошка билан боқиб олинган гўштнинг таннархига нисбатан 40 процентдан кўпроқ арзон бўлади. Рациондаги картошканинг 40-60 проценти лавлаги билан алмаштирилса, чўчқа 10-25 процент кўпроқ семиради ва гўшт таннархи арзонлашади. Картошка ўрнига нуқул қанд лавлаги берилса, чўчқанинг семириши 10-24 процент тезлашади, гўштнинг таннархи 40 процент арзонлашади.

Областдаги кўпгина колхоз ва совхозлар қанд лавлагининг афзаллигини амалда синаб кўргач, бу экинга эътиборни кучайтирдилар.

„КРАСНОЕ ЗНАМЯ» колхозининг чўпони Николай Павлович Руденскийни Черемисинов районида танимайдиган киши йўқ. Ўртоқ Руденский бошчилигидаги бригада кўп йиллардан буён ҳар юз совлиқдан 128-135 тадан қўзи, ҳар қўйдан 3,5 килограммдан ошириб жун олиб келади.

Илғор чўпон бошқа хўжаликларнинг қўйлардан кам маҳсулот олишига бефарқ қараб туролмади. Қўшни «Красная Заря» колхозида қўйчилик унча ривожланмаган. Ўтган йили бу колхозда ҳар 100 совлиқдан атиги 58 тадан қўзи олинди, жун қирқиб олиш ҳам кўнгилдагидек эмас. Николай Павлович бу колхознинг қолоқ фермасини оталикка олди. Март ойининг бошларида у «Красная Заря» колхозига келиб, қўйчилик фермасининг ишлари билан муфассал танишди.

— Бу аҳволда иш юришмайди, — деди чўпон қўйларни қишда бошқа киши, ёзда бошқа киши боқишини эшитиб.

Унинг таклифи билан чўпонларнинг доимий бригадаси тузилди. Унга Федор Гаврилович Дрёмов бошлиқ қилиб тайинланди. Чўпонлар ғайрат билан ишга киришдилар. Аммо уларда тажриба етишмас эди. Руденский ўз тажриба ва билимини уларга жон деб ўргатди.

Май ойига келганида эса қўшниларга қўйларни қандай боқиш ва асраш, ёш қўзиларни сақлаб қолиш тўғрисида қимматли маслаҳат берди.

Яқинда Николай Павлович учинчи марта ўз оталигидаги фермага борди. Бу ердаги ўзгаришни кўриб қувонди. Чўпонлар ҳар 100 совлиқдан 106 тадан қўзи олишган эди.

— Сизнинг ёрдамингизда, — деди миннатдор бўлган бош чўпон Ф. Дрёмов, — ҳар 100 совлиқдан 125 тадан қўзи, ҳар қўйдан 3 килограммдан жун олиш мажбуриятимизни бажаришга ҳаракат қиламиз.

— Мен ҳам янгликни айтиб берай, ҳозирнинг ўзидаёқ 120 тадан қўзи олдик. Ҳар қўйдан қирқиб олган жунимиз 3 килограмм 250 граммданга тўғри келди. Колхозимиз давлатга жун сотиш йиллик планини муддатидан илгари бажарди. Ҳар 100 совлиқдан олинадиган қўзини 135 тага етказамиз.

Қўшни колхозлар чўпонлари ўртасида самимий дўстлик вужудга келди. Бу дўстлик яхши самара бермоқда. Аввал қолоқ ҳисобланган колхоз илғорлар қаторига ўтиб олди.

СУТ соғиб олишда Мантуров районидаги хилма-хиллик бошқа районларда бўлмаса керак. Шу кунларда Войков номли колхозда ҳар сигирдан 13-14 килограммдан сут соғиб олишмоқда. Ильич номли, Куйбишев номли колхозларда эса бир кунда ҳар сигирдан олинаётган сут 10 килограммга ҳам етмайди.

РСФСР Олий Советининг депутати Анна Ивановна Силаева тажрибали сут соғувчилардан бири. Бироқ, унинг тажрибаси оммалаштирилмас эди. Ҳозир бу камчилик бартараф қилинмоқда. Район партия комитети ва район ижроия комитети Анна Ивановна ишлаётган «Ленинский путь» тажриба-намуна хўжалигида илғор тажрибалар мактаби очди.

Яқинда биринчи машғулот бўлди. Машғулот сигирлар боқилаётган яйловда ўтказилди. Яйлов шароитида сигирларнинг сутини кўпайтириш йўллари тўғрисида Анна Ивановна Силаева ўз тажрибаларини сўзлаб берди.

Ўртоқ Силаева область сут соғувчилари ўртасида биринчи марта пешқадамликни эгаллаётгани йўқ. Ўтган йили у ҳар сигирдан 4852 килограммдан сут соғиб олди. Бу йил ҳам иши чакки эмас. Олти ойда ҳар сигирдан 2,5 тоннадан сут олди. Тажрибали аёл ғунажинларни ўстириш ва биринчи бузоқларни молларни соғиш тўғрисида сўзлаб берди.

Чорвадорлар, айниқса, механизмлар ёрдамида соғиб олиш тўғрисида кўп савол бердилар. Чунки бу Мантуров районида янгликдир.

Планга мувофиқ бир темани ўрганиш лозим эди, аммо сут соғувчилар бу билан чегараланиб қолмадилар, тажриба-намуна хўжалигида молларни сунъий урчитиш ҳам яхши йўлга қўйилган. Сут соғувчилар сунъий урчитиш пункти иши билан ҳам қизиқдилар. Техник-осеменатор Просковья Афанасьевна Петракова ҳам кўп саволларга жавоб берди.

КУРСК областида биноларнинг етишмаслиги паррандачиликни ривожланишига салбий таъсир қилмоқда. Лекин бунинг ҳам йўли топилди. Паррандачилар «Марыкно» совхозида (Рильский райони) бўлганларида бунга қаноат ҳосил қилдилар.

Бу хўжалик паррандачиликни яхши йўлга қўйганлиги билан ажралиб туради. Совхозда ҳар бир товуқдан йилига 137-140 донадан тухум олинади. Ҳар 10 дона тухумнинг таннархи 40-42 тийинга тушади. Муҳими шундаки, паррандани оддий, арзон биноларда боқадилар. Совхознинг Учительский бўлими поселкасидан 1,5 километр нарида совхознинг ёзлик паррандахонаси жойлашган. Бу ерда 6 мингта жўжа ўстирилмоқда. Экскурсантлар диққатини траншея типидаги жўжахоналар ўзига тортди. Бу траншеяларнинг бўйи 50 метр, кенглиги 4 метр ва чуқурлиги 3 метр. Ичига устун қўйилиб, усти шифер билан беркитилган. Траншеянинг икки томонига кенг эшик ўрнатилган.

— Ҳар бир траншеяда, — деб тушунтирди совхоз директори Константин Маханько, — бир мингта товуқ ёки 3 минг жўжа боқиш мумкин. Бундай товуқхона арзонга тушади. Совхозда товуқхонанинг бир квадрат метри 7 сўм 50 тийинга тушди. Агар паррандахона типовой лойиҳа асосида қурилганда, бир квадрат метри 61 сўм 60 тийинга тушар эди.

Траншея бульдозер ёрдамида тозаланади. Бундай траншеяни бульдозер ёки скрепер ёрдамида қазиш мумкин. Битта паррандахона қуриш учун 600 кубометр тупроқ қазилади.

Траншеядан сув чиқиб кетмаслиги учун паррандахона баландликда қурилган. Ёзлик паррандахона шифер билан бекитилса яхши бўлади. Қишлик паррандахонанинг устини сомон лой билан беркитиш маъқул, иссиқроқ бўлади.

Ҳозир областдаги йирик паррандачилик фермалари ташкил қилинаётган 68 колхозда траншея типидаги паррандахоналар қурилмоқда.

* * *

Курск областида қолоқ хўжаликларга амалий ёрдам бериш тобора кенг тус олмоқда. Илғор сут соғувчилар, чўчқабоқарлар, чўпонлар, молбоқарлар, паррандабоқарлар ўз тажрибаларини бошқаларга ўргатиб, шу йўл билан умумий юксалишга интилмоқдалар. «Коммунизм сари ҳаммамиз баравар дадил қадам ташлаймиз» — дейишмоқда машъаллар.

П. СТРИЖКОВ.

Бу саҳифани Курск область «КУРСКАЯ ПРАВДА» газетасининг ходимлари «Қизил Ўзбекистон»нинг илтимосига мувофиқ уюштириб юборишган.

А. И. МИКОЯН ЯПОНИЯДА

ТОКИО, 21 август. (ТАСС). Осака аҳолиси сингари, Японияниг энг қадимий шаҳарларидан бири, бир замонлар мамлакатнинг пойтахти бўлган Киото аҳолиси ҳам 19 августда шу ерга келган СССР Министрлар Совети Раисининг биринчи ўринбосари А. И. Микоянни самимий ва хурсандлик билан кутиб олди. Киото атрофидаги жойлардан тортиб, А. И. Микояннинг резиденцияси — «Мияко» меҳмонхонасига қадар бир неча километр давомида минглаб кишилар, аҳолининг энг хилма-хил табақаларининг вакиллари қўшни социалистик мамлакатдан келган ҳурматли меҳмонга ўзларининг дўстона ҳис-туйғуларини қизғин изҳор қилдилар.

А. И. Микоян Киотога оқшом пайтида етиб келди. Маҳаллий маъмурлар ва Япония ташқи ишлар министрлиги унинг шарафига «Лайлак уяси» деган ресторанда традицион япон стилида зиёфат бердилар. Зиёфат эркин ва дўстона вазиятда ўтди.

20 август эрталабдан бошлаб А. И. Микоян Киото шаҳрининг диққатга сазовор жойлари билан танишди. Жумладан, у Японияниг машҳур тарихий ва маданий ёдгорликларидан бири — «Ниси Хонгандзи» деган йирик будда ибодатхонасини бориб кўрди. Сўнгра А. И. Микоян Киото шаҳри ва Кансай райони маъмурларининг, савдо-саноат доираларининг ва жамоатчилигининг вакиллари учун зиёфат берди.

А. И. Микоян зиёфат вақтида нутқ сўзлаб, Совет Иттифоқининг вакили сифатида уни Япония аҳолиси ғоят самимий ва очиқ кўнгил билан кутиб олаётганлиги учун ташаккур изҳор қилди. А. И. Микоян Японияда ҳавонинг иссиқлигинигина эмас, балки японларнинг қизғин дўстона ҳисларини ҳам сезганлигини айтди.

«Джетро» президенти Суги элёфатда ҳозир бўлган японларнинг катта ёшдаги авлоди номидан сўзга чиқиб, А. И. Микоянинг Япониядаги ҳар хил доираларнинг кўпгина намояндалари билан учрашганлиги туфайли мамнуниятини билдирди. Бизнинг социал-сиёсий тузумларимиз гарчи турлича бўлса ҳам, дейди Суги, биз ўзаро ҳамкорлик қилишимиз, мамлакатларимиз ўртасида савдо-сотиқни ривожлантиришимиз керак.

Зиёфатда ҳозир бўлган Японияда будда динининг етакчи мазҳабларидан бири — «Сингон» мазҳабининг таниқли арбоби, Такарадзукадаги «Сэйтиодзи» ибодатхонасининг бош руҳонийси Сакамото жаноблари совет халқига дўстлик туйғуларини изҳор қилиб, ҳаяжонли нутқ сўзлади ва А. И. Микоянга совга қилиб ўз дўсти, атоқли япон рассоми Тэссаниниг картинасини тақдим этди. Тэссанинг асарлари яқинда Москвада намойиш қилинган эди.

Кечқурун А. И. Микоян билан Киото шаҳри ва Кансай райони жамоатчилигининг вакиллари ўртасида самимий учрашув бўлди. Сўнгра маҳаллий ва чет эл журналистларининг илтимосига мувофиқ, А. И. Микоян улар билан учрашди ва уларнинг саволларига жавоб қайтарди. Учрашувда газета, информация агентликлари, радио ва телевидение компаниялари мухбирларидан 60 га яқин киши ҳозир бўлди.

А. И. Микоян Японияданги Кансай иқтисодий районининг Осака ва Киото шаҳарлари бўйлаб қилган сафаридан 21 августда Токиога қайтиб келди. Куннинг биринчи ярмида Совет Иттифоқининг Япониядаги элчихонасида А. И. Микоян мамлакатда энг йирик оппозициячи партия бўлган Япония социалистик партиясининг атоқли арбобларини қабул қилди ва улар билан дўстона суҳбатлашди.

Ўша куннинг ўзида Япония Коммунистик партияси Марказий Комитетининг раиси Носака, Япония Коммунистик партияси Марказий Комитетининг бош секретари Миямото, Япония Коммунистик партияси Марказий Комитети Президиумининг аъзолари Сига, Хакамада ва Касуга А. И. Микоян ҳузурида бўлдилар. Ўртоқ Микоян билан Япония Коммунистик партиясининг раҳбар арбоблари ўртасида самимий, ўртоқларча суҳбат бўлди.

Тушдан кейин А. И. Микоян ҳукмрон либерал-демократик партиясининг таниқли арбоби, деҳқончилик ва ўрмончилик министри Коно ҳузурида бўлди ва у билан суҳбатлашди.



Янги ўқув йили яқинлашмоқда. СУРАТДА: Қўқон шаҳрида очилган мактаб ярмаркасида.
Г. Бойко фотоси (ЎзТАГ фотохроникаси).

А. И. МИКОЯН ВАТАНИГА ЖЎНАБ КЕТДИ

ТОКИО, 22 август. (ТАСС). СССР министрлар Совети Раисининг биринчи ўринбосари А. И. Микоян Японияда тўққиз кун меҳмон бўлганидан кейин бугун Ватанига жўнаб кетди.

ТИНЧЛИКНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ СОВЕТ КОМИТЕТИНИНГ БАЁНОТИ

Тинчликни ҳимоя қилиш Совет комитети Германия ва Берлин масалалари юзасидан эълон қилган баёнотида қуйидагиларни таъкидлайди: Ғарбий Германия милитаристлари ва реваншчилари билан биргаликда агрессив НАТО блокида бирлашган реакцион кучлар Германия билан сулҳ шартномаси тузишга даъват этган Совет Иттифоқининг тинчлик мақсадларини кўзда тутган ташаббусига жавобан урушқоқлик руҳидаги баёнотлар билан майдонга чиқмоқдалар, эўр бериб қуролланишни авж олдирмоқдалар, уруш бошлаб юборамиз, деб таҳдид қилмоқдалар

Ғарбий Германия реваншчилари Германия Федератив Республикаси территориясида бўлмаган Ғарбий Берлиндан уруш ваҳимасини кучайтириш ва халқаро кескинликни авж олдириш учун, Германия Демократик Республикасига қарши ва бошқа социалистик мамлакатларга қарши қўпорувчилик ҳаракатлари учун фойдаланмоқдалар. Милитаристлар ва агрессорларнинг ўт билан ана шундай жуда хавфли ўйнашишлари жаҳон урушининг бошланиб кетиш хавфини туғдирали

Баёнотда бундай дейилади: Гитлерчилар Германиясига қарши урушнинг асосий оғирлигини ўз зиммасига олган ва инсониятни ҳамда жаҳон цивилизациясини қора вабодан қутқазиб қолган совет кишилари воқеаларнинг шу тариқа хавф-хатарли боришига бефарқ қарай олмайдилар. Шу сабабли совет халқи иккинчи жаҳон урушининг оқибатларини тугатишга, Европада ва бутун дунёда халқларнинг тинч ва хавф-хатарсиз яшашини таъминлашга даъват этаётган Совет ҳукуматининг таклифларини яқдилик билан қўллаб-қувватламоқда. Бу таклифлар тинчлик тўғрисида ғамхўрлик қилиш руҳи билангина суғорилган. Бу таклифларнинг амалга оширилиши барча давлатлар ва барча халқларга манфаат келтирган бўлур эди

Совет ҳукуматининг таклифларида, дейилади баёнотда, АҚШ, Англия ва Франциянинг манфаатлари ёки обрўсига сира зарар етказилмайди, Ғарбий Берлиннинг эркинлигига ва Ғарбий Берлин аҳолисининг ўзи истаган тарзда яшаш ҳуқуқига асло қасд қилинмайди.

Совет тинчлик тарафдорлари шу нарсага чуқур амин-дирларки, сулҳ шартномаси ва Ғарбий Берлин тўғрисидаги масала манфаатлар томонлар ўртасида ҳалол музокаралар одиб бориш йўли билан ҳал этилиши мумкин. Бутун инсоният масаланинг шу тарзда ҳал этилишидан жуда хурсанд бўлур эди.

(ТАСС).

БМТ БОШ АССАМБЛЕЯСИНИНГ МАХСУС СЕССИЯСИ

НЬЮ-ЙОРК, 21 август. (ТАСС). Бугун Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг махсус сессияси очилди. Бу сессия Франциянинг агрессив ҳаракатлари натижасида Бизертада рўй берган хавфли аҳволни муҳокама қилмоқ учун 52 мамлакат делегацияларининг талаби билан чақирилди.

Эрталабки мажлисда Тунис вакили Монжи Слим биринчи бўлиб сўзга чиқди. У, Тунисниг Бирлашган Миллатлар Ташкилоти махсус сессиясини чақириш тўғрисидаги илтимосини қўллаб-қувватлаган 52 мамлакатга Тунис халқи ва ҳукумати номидан самимий ташаккур изҳор қилди. Бу сессия, деди у, Франциянинг Тунисга қарши агрессиясини муҳокама қилмоқ учун чақирилди. Биз, қуролли агрессиянинг курбони сифатида Хавфсизлик Кенгашига мурожаат қилганимизга қарамай, Хавфсизлик Кенгаши агрессиянинг пайини қирқадиган ҳеч қандай қарор қабул қила олмади. Монжи Слим яна эслатиб ўтдики, Тунис мустақилликка эришган пайтдан буён Тунис ҳукумати французларнинг ҳамма қўшинларини ўз территориясидан чиқариб юбориш учун ҳаракат қилиб келмоқда. Француз қўшинларининг Тунис территориясида туриши Тунисниг миллий суверенитетига асло тўғри келмайди.

Француз қўшинларининг Тунис территориясида туриши, — деди Монжи Слим, — мамлакат хавфсизлигигагина эмас, балки бутун дунёда тинчликка ҳам таҳдид қилади.

Монжи Слим сўзининг охирида Хавфсизлик Кенгашининг ўт очишни тўхтатиш тўғрисидаги дастлабки резолюцияси дарҳол амалга оширилсин, деб талаб қилди.

Либерия вакилига сўз берилади. Либерия вакили Цейлон, Бирлашган Араб Республикаси ва Либерия делегациялари таклиф этган дастлабки резолюция, шунингдек Хавфсизлик Кенгашининг ўт очишни тўхтатиш ва қўшинларни 19 июлгача эгаллаб турган позицияларига қайтариш тўғрисидаги қарори Франция томонидан тўла-тўкис бажарилмаганлиги тўғрисида таассуфланганлигини билдирди.

Либерия вакили Африка-Осиё мамлакатлари группаси номидан резолюция проектини Бош Ассамблея муҳокамасига тақдим этди. Резолюция проектида айтиладики, Тунис ҳукумати ва халқининг ҳохишига хилоф суратда француз қуролли кучларининг Тунис территориясида туриши Тунисниг суверенитетини бузади ва халқаро майдондаги кескинликнинг доимий манбаи бўлиб, халқаро тинчлик ва хавфсизликка таҳдид қилади. Резолюция проектида Хавфсизлик Кенгашининг ўт очишни тўхтатиш тўғрисидаги дастлабки резолюцияси таъкидланади ва Франция ҳукумати бу резолюцияни тамомила амалга оширсин, деб талаб қилинади. Бош Ассамблея, дейилади яна резолюцияда, Тунисниг барча француз қуролли кучларини олиб чиқиб кетишни талаб этишдан иборат суверен ҳуқуқини эътироф этади. Ана шу қуролли кучлар Тунис территориясида унинг розилигисиз турибди Бош Ассамблея Франция ва Тунис ҳукуматларини барча француз қуролли кучларини Тунис территориясидан олиб чиқиб кетишни таъминлаш юзасидан ўзаро тинч йўл билан келишилган тадбирларни ишлаб чиқиш учун дарҳол музокаралар бошлашга даъват этади.

Шу билан Бош Ассамблея махсус сессиясининг эрталабки мажлиси ёпилди.

Шимолий Родезияда аҳвол

ПАРИЖ, 22 август. (ТАСС). Шимолий Родезияда вазият ҳамон кескинлашиб бормоқда. Ўзига мажбуран қабул қилдирилган ва мустамлакачиларнинг ҳукмронлигини абадийлаштириб қўядиган янги конституцияни қатъиян рад этаётган ана шу протекторат аҳолисига қарши инглиз мустамлакачи маъмурлари янги жазо чораларини кўрмоқдалар.

Қўшни Шимолий вилоятда африкаликлар билан полициянинг тўқнашуви натижасида кўп киши ярадор бўлган, 400 киши қамоққа олинган. Ғалаён кўтарилган район устида самолётлар соқчилик қилиб учмоқда. Жуда кўп қуролли тўқнашувлар бўлиб турибди.

ЎЗБЕКИСТОН МЕҲМОНЛАРИ

Республика пойтахтининг жамоатчилиги СССР Журналистлар союзининг таклифига мувофиқ, Совет Иттифоқида меҳмон бўлиб турган Мали Республикаси журналистлар делегациясини самимий кутиб олди. Делегация составида Мали Журналистлар союзининг секретари ва «Эссор» газетасининг бош редактори Умар Дем (делегация бошлиғи), информация ва туризм департаменти директорининг ўринбосари Мамаду Диабате, Мали радиосининг раиси Умар Сиссе бор.

Корея Халқ Демократик Республикаси маориф, маданият, соғлиқни сақлаш ходимлари ва хизматчилар касаба союзи делегацияси Ўзбекистон меҳнаткашларининг ҳаёти билан, республика касаба союзларининг фаолияти билан танишиб чиқмоқ учун Тошкентга келди Ана шу касаба союз Марказий Комитети раисининг ўринбосари Син Ча Ир делегацияга бошчилик қилади.

* * *

Финляндия сеймининг депутати, Финляндия Халқ партияси хотин-қизлар союзи раисининг ўринбосари Арми Хосна Москвадан Тошкентга келди Арми Хосна республика экономикаси ва маданиятининг ривожланиши билан, Ўзбекистон хотин-қизларининг ҳаёти билан танишиб чиқади.

* * *

Англия, Австрия, Аргентина, Индонезия, Италия Мексика, Финляндия, Чили ва Японияниг рус тили ўқитувчиларидан катта бир группаси Ўзбекистонда маориф ишларининг ташкил этилиши билан танишиб чиқа бошлади. (ЎзТАГ).

СОЦИАЛИСТИК РУМИНИЯ ГУЛЛАБ-ЯШНАМОҚДА

РУМИНИЯ ФАШИСТЛАР АСОРАТИДАН ОЗОД ҚИЛИНГАН КУННИНГ 17 ЙИЛЛИГИ

Руминия Халқ Республикасининг меҳнаткашлари ўзларининг миллий байрами — мамлакат фашистлар асоратидан озод қилинган кунни ишлаб чиқаришда катта-катта ғалабалар билан кутиб олмоқдалар.

КОНСТАНЦА — АСОСИЙ ДЕНГИЗ ПОРТИ

Руминиянинг асосий денгиз порти бўлган Констанца йирик халқаро портларга хос равишда жўшқин ҳаёт кечирмоқда Руминиянинг Бремен ва Антверпенга қатновчи «Ясси» юк кемаси келтирган прокатини туширмоқда. «Дукла» (Чехословакия) ва «Ласс Виллас» (Куба) кемаларига турли товарлар, Италиянинг «Ронда» кемасига эса тахта ортилмоқда.

Шу йилнинг дастлабки етти ойи мобайнида ҳамма қитъалардаги неча ўнлаб мамлакатнинг 800 дан ортиқ кемаси Констанца порти орқали ўтди, бу эса ўтган йилнинг шу даврнгача ўтган кемалар сонидан 200 та ортиқдир

Юк оборотн тўхтовсиз ортаётганлиги туфайли бу йил Констанца порти янги кўчма кранлар, автоукладчиклар ва бошқа машиналар билан жиҳозланди Ҳозирги вақтда кўп юк кўтариш қобилятига эга бўлган яна тўртта портал кран монтаж қилинмоқда.

КЎКАЛАМЗОР ШАҲАР

Бухарест шаҳри — бамисоли бир боғнинг ўзи. Ободонлаштириш ҳамда жамоат парклари ва боғларини, хиёбонларни кўплаб вужудга келтириш ва умумий майдони қариб 700 гектар келадиган ерга дарахт кўчатлари ўтказиш натижасида шаҳар ана шундай кўркам тус олди. Илгари ҳувуллаб ётган ерлар ўрнида ажойиб маданият ва истироҳат парклари бунёдга келди, бу парклар пойтахт аҳолисидан неча ўн мингдаб киши ҳар куни дам олади.

Сўнгги етти ойнинг ўзидагина Бухарестнинг парк ва боғларига 4.200 мингдан ортиқ гул ўтказилди. 24,5 гектарли майдонда янги парклар барпо қилиш ишлари давом эттирилмоқда. 1965 йилгача Бухарестдаги кўкаламзорларнинг умумий майдонини 1400 гектарга етказиш кўзда тутилган.

РУМИНИЯ ИШЛАБ ЧИҚАРМОҚДА ВА ЧЕТГА ЮБОРМОҚДА

Георгий Димитров номли Аради ихтисослаштирилган заводи ишлаб чиқараётган темир йўл ҳаракат состави Руминиянинг ташқаларида ҳам довруқ таратган. Аради заводининг маркаси қўйилган темир йўл вагонлари Германия Демократик Республикаси ва Чехословакияга, Бирлашган Араб Республикаси ва Грециянга, Хитой Халқ Республикаси ва Корея Халқ Демократик Республикасига ҳамда бошқа мамлакатларга юборилиб турилибди.

Ана шу йирик саноат корхонасининг вагонсозлари яқинда нукул металлдан ясалган ва 110 тонна юк кўтарадиган вагоннинг янги типини яратдилар. Янги вагон асосан, оғир электротрансформаторларни ташишга мўлжалланган.

Димитров номли завод халқ ҳокимияти йиллари мобайнида анча кенгайтирилди ва модернизация қилинди. Бу завод, шунингдек темир йўл вагонлари ишлаб чиқарадиган бошқа иккита йирик завод (Турнусевери механика заводи ва Бухарестдаги «23 август» заводи) 20 ва 50 тонна юк кўтарадиган усти ёпиқ ва очиқ товар вагонлар, икки ва тўрт ўқли вагонлар, юкини ўзи туширадиган вагонлар, 80 тоннали тўрт ўқли платформалар, 72 ўринли пассажир вагонлари, цистерналар ишлаб чиқармоқда.

БУХАРЕСТ САНОАТИНИНГ 10 МИНГ ЭКСПОНАТИ

Миллий байрам — 23 август куни муносабати билан очилган виставкага Руминия Халқ Республикаси пойтахтидаги 200 дан ортиқ корхона 10 мингга яқин экспонат қўйди, бу экспонатларнинг кўпчилиги янги такомиллаштирилган буюмлардир. Виставка томошабинларни Руминия фашистлар асоратидан озод қилинган кун шарафига кучайтириб юборилган социалистик мусобақа якунлари билан таништиради, мамлакатдаги ишчилар ва мастерлар. инженерлар ва техникларнинг асосий эътибори маҳсулот сифатини яхшилашга ва маҳсулот таннархини камайтиришга қаратилганлигини кўрсатиб беради. Виставка илгор корхоналарнинг бир қанча буюмларни ишлаб чиқаришни ўзлаштиришдаги тажрибалари билан ҳам таништиради.

Ҳозирги вақтда Бухарест саноати урушгача бўлганига нисбатан олти баравар кўп маҳсулот ишлаб чиқармоқда.

ҲАР ИККИ МИНУТДА БИТТА РАДИОПРИЕМНИК

Шу кунларда Бухарестдаги «Электроника» заводининг монтаж конвейеридан 1.000.000 номерли радиоприёмник чиқди. Руминиянинг биринчи «Рекорд» радиоприёмниги ишлаб чиқарилган кундан буён ўн уч йил ўтди. Шу давр ичида шонли йўл босиб ўтилди. Халқ демократик тузумнинг самараси бўлган радиотехника саноати анча ривож топди. Эндиликда биргина «Электроника» заводининг ўзи ҳар икки минутда битта радиоприёмник ишлаб чиқармоқда. Бу йилги ишлаб чиқариш планида Руминия саноатининг 220 минг дона радиоприёмник ишлаб чиқариши кўзда тутилади.



Суратда (тепада): Руминия Халқ Республикасининг пойтахти Бухарестдаги Республика майдони. Нефть тозалаш заводида янги ишга туширилган дастгоҳ (пастда).

ТАСС фотохроникаси.

ЎЗБЕКИСТОН СПОРТЧИЛАРИ АФҒОНИСТОНГА ЖЎНАБ КЕТДИ

22 августда республикамиз спортчиларидан катта бир группаси Тошкентдан самолётда Афғонистонга жўнаб кетди. Улар дўст мамлакатда бир неча ўртоқлик учрашувлари ўтказишади.

Кобил шаҳрининг футбол ишқибозлари Тошкент «Пахтакор» командаси футбол мастерларининг ўйинини кўрадилар. Бу — футболчиларимизнинг Афғонистонга биринчи марта бориши эмас. 1956 йилда улар жанубдаги қўшнимизнинг ўз стадионида, ҳаммасини ютган эдилар.

Афғонлар билан полвонларимиз ҳам куч синашадилар. Команда составида И. Ҳидоятов, Б. Мадаминов, И. Эргашев, Ш. Муҳамедов, И. Туробов ва бошқалар бор. (ЎзТАГ).

Редактор З. И. ЕСЕНБОЕВ.

ЭЪЛОНЛАР ТОМОШАЛАР

ТЕЛЕВИДЕНИЕ

23 АВГУСТДА

19.00 — **Эртакни ҳақиқатга айлантириш учун туғилганмиз** (кичик ёшдаги мактаб ўқувчилари учун рус тилида), 19.30 — **Телевизион янгиликлар**, 19.50 — **Коммунизм қуриш программаси** (лекция), 20.10 — **Улар машина теримига тайёрланмоқда** (қишлоқ хўжалик ходимлари учун ўзбек тилида), 20.25 — **Кечаги ва бугунги Бухарест** (ҳужжатли фильм), 20.45 — **Концерт** (румин куйларидан), 21.15 — **Райком секретари номли бадиий фильм.**

ТЕАТР

НАВОИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА (Кафанов номли парк, Халқ иноди уйининг ёзги театри) — 23/VIII да **Жизель**, 24/VIII да **Масхарабоэлар** ва **концерт** бўлими.

ҲАМЗА НОМЛИ ТЕАТРДА (ёзги бино) — 23/VIII да **Фурқат**, 24/VIII да **Гамлет.**

КИНО

ҚИШКИ КИНОТЕАТРЛАРДА:

Нотаниш аёлнинг хати — «ВАТАН», «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ» (кундуз ва кечқурун), НАВОИЙ номли (кеч соат 5 дан).

Урмон қўшиғи — «ВАТАН» (эрталаб соат 9 ярмида). «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ» (эрталаб 10 ва кундуз 2 да).

Биринчи йил — «ДРУЖБА» (кундуз ва кечқурун), НАВОИЙ номли (кеч соат 5 гача),

Юлдузлар сари биринчи сафар — «ВАТАН» (сеанслар олдидан эрталаб соат 9 ярим, кундуз 12 ва кеч 10 да), «ИСКРА» (кеч 9-15 ва 9-50 минутда), КИНОЛЕКТОРИЙ (кундуз 12, 1-10, 2-20 минут, 3 ярим, 4-40 минут, кеч 5-50 минут, 7, 8 ва 10 да).

Уч юлдуз — «СПУТНИК» (эрталаб соат 10, кундуз 12, 2 ва 4 да).

Париж Момо Марям ибодатхонаси (1 ва 2-серия) — «ЎЗБЕКИСТОН 25 ЙИЛЛИГИ», «СПУТНИК» (кундуз ва кечқурун), «ЎЗБЕКИСТОН» (кеч соат 8 да).

Қайтиш — «МИР» (кундуз ва кечқурун).

Эркин шамол — СОБИР РАҲИМОВ номли (кундуз ва кечқурун).

Хотинли бўйдоқ — «ИСКРА» (кундуз ва кечқурун).

Номаълум аёл — «ЎЗБЕКИСТОН» (кундуз ва кечқурун).

ЭЗГИ КИНОТЕАТРЛАРДА:

Нотаниш аёлнинг хати — КАФАНОВ номли (кеч соат 8 ярмида), ПУШКИН номли, «ФЕСТИВАЛЬ».

Урмон қўшиғи (кеч соат 8-45 минутда), **Биринчи йил** (кеч 10-45 минутда) — «ХЕВА».

Хотинли бўйдоқ — КАФАНОВ номли (кеч соат 10-20 минутда), ТЕЛЬМАН номли (кеч 10 ярмида).

Эркин шамол — «САЛЮТ», «ШУҲРАТ».

«СТАРТ» СТАДИОНИДА

23 августда

«Б» класси бўйича Совет Иттифоқи биринчилиги учун: «Металлург» (Чимкент) — «Старт» (Тошкент) командалари ўртасида

ФУТБОЛ

Кеч соат 6 да бошланади.

Ё Ш КАРИКАТУРАЧИЛАР ДИҚҚАТИГА!

«МУШТУМ» ЖУРНАЛИ РЕДАКЦИЯСИ ҲУЗУРИДА

ЁШ КАРИКАТУРАЧИЛАР ТЎГАРАГИ

ТАШКИЛ ҚИЛИНАДИ

Тўгарак машғулотларига фабрика-завод, колхоз-совхоз, олий ўқув юртлари, кўп тиражли ва деворий газеталларининг ҳаваскор рассомлари, шунингдек рассомлик ўқув юртларининг студентлари таклиф этилади.

Тўгарак машғулотлари ҳар ойда икки марта ўтказилади.

Редакциянинг адреси: Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 30-уй, 2-қават, 26- хона.

«УЗБЕКОРГЭНЕРГО»НИНГ МАРКАЗИЙ-ТЕКШИРИШ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ЛАБОРАТОРИЯСИГА

изотоп приборсозлик ва дозиметрия соҳасида лойиҳа тузиш-конструкторлик ва текшириш ишларини олиб бориш учун

физик инженерлар, радиотехник инженерлар,

ишлаб чиқариш процессларини (изотоп, электрон асбоблар қўлланиб) автоматлаштириш соҳасида ишлаш учун

турли ихтисосдаги технолог инженерлар,

саноат корхоналарининг автоматизация системаларини монтаж қилиш учун

инженерлар, техниклар ва ишчилар

керак

Адрес: Тошкент шаҳри, Уйғур кўчаси, 314. Телефон 40-215.

БИЗНИНГ АДРЕСИМИЗ: ТОШКЕНТ «ПРАВДА ВОСТОКА» КЎЧАСИ 26 УЙ

КОММУТАТОР — 26334, 33262. Редакция бўлимларининг телефонлари: Партия турмуши — 33469. Пропаганда — 34780. Саноат ва транспорт — 27604. Совет қурилиши — 34780. Қишлоқ хўжалиги — 31226. Адабиёт ва санъат — 32036. Фан, маданиятва олий ўқув юртлари — 34524. Маҳаллий ахборот — 32347. Оммавий ишлар ва хатлар — 29005. Секретариат — 34455. Эълонлар — 28142.

«Қизил Ўзбекистон» «Правда Востока» ва «Ўзбекистони Сурх» бирлашган нашриётининг босмахонаси. Тошкент шаҳри

Р. 01682. Нашр. Б. 197.